ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O‘zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№83-85 (1036-1038)
2026 йил 29 сентябрь, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Президент ташрифидан сўнг

Андижон:

барча соҳаларда тараққиётнинг янги босқичи бошланмоқда

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 23-24 сентябрь кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида ҳудудда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, янги лойиҳалар ва уларнинг аҳоли ҳаётидаги амалий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Транспорт ва шаҳар инфратузилмасидан тортиб туризм, энергетика, уй-жой ҳамда ичимлик суви таъминотигача бўлган йўналишлардаги ўзгаришлар бир-бирини тўлдириб, вилоят тараққиётининг турли соҳаларида янги босқич бошланаётганини кўрсатмоқда.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бу ўзгаришларнинг дастлабки манзили Андижон халқаро аэропорти бўлди. Аэропорт 1978 йилда ишга туширилган ва 2013 йилда халқаро мақом олган. Бугун эса у вақт талабидан келиб чиқиб янгиланмоқда. Чунки йўловчилар оқимининг ортиши, янги йўналишларнинг очилиши ва вилоятнинг иқтисодий ҳамда сайёҳлик имкониятлари кенгайиши ҳаво қатнови инфратузилмасига бўлган талабни ҳам ўзгартирмоқда. Шу мақсадда умумий қиймати 1,1 триллион сўмлик реконструкция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг биринчи босқичида аэродром инфратузилмаси янгиланди. Учиш-қўниш йўлаги 3,3 километрга узайтирилиб, кенглиги 60 метр бўлган янги 4E тоифали йўлак барпо этилди. Ўнта ҳаво кемасига мўлжалланган тўхташ жойлари ва руллаш йўлаклари қурилди. Йўлакка 50 йилгача хизмат қилишга мўлжалланган мустаҳкам цемент-бетон қопламаси ётқизилди.

Бу ерда замонавий талабларга мос хавфсизлик масаласи ҳам назардан четда қолмаган. Германиянинг юқори аниқликдаги ёритиш-сигнал тизими ўрнатилиши туфайли аэропорт тунги вақтда ва қуюқ туман шароитида ҳам ҳаво кемаларини қабул қила олади. Кўриш масофаси 300 метргача қисқарганида ҳам самолётларни қўндириш имконияти яратилган.

2 →



1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни



Келажак бунёдкорларига касб байрами муборак бўлсин!



Бунёдкор халқимизнинг азиз устоз ва мураббийлари!

*Сизларни аввало, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган барча архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийларини **“Устоз ва мураббийлар куни”** билан чин қалбимдан табриклайман.*

Козим ТУЛЯГАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлар кенгаши раиси.

Ушбу қутлуғ айёмда бизга ҳаёт сабоғини ўргатган жонкуяр устозлар ва фидойи соҳа фахрийларига ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган устоз ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Чиндан ҳам, дунё миқёсида рақобат янада кучайиб борадиган, ўта мураккаб бир даврда яшайдиган келажак авлодни тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи – устоз ва мураббийлар меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади.

Ана шу ўткир ҳақиқатни ҳисобга олиб, юртимизда таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Бугунги кунда сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг қизғин қўллаб-қувватлаши билан таълимни ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда. Мактабгача таълим ҳамда олий таълимни ривожлантириш дастурлари қабул қилиниб, шу асосда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бугун ёшларнинг билим олишлари учун барча шароитлар яратилмоқда, ўқув бинолари қурилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Лекин фарзандларимизга юксак мезонлар асосида таълим-тарбия берадиган, янгича, инновацион фикрлайдиган муаллим ва ўқитувчиларни тайёрлаш – бу энг оғир вазифа бўлиб, жуда катта меҳнат ва масъулиятни талаб этади.

Шу маънода, бугунги кун ўқитувчиси устоз-мураббий универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши, яъни, ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак.

Энг муҳими, устозлар чинакам ватанпарвар инсон бўлишлари зарур. Қалбида ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган устозгина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади.

Азиз ва муҳтарам устозлар!

Бугун таълим-тарбия соҳасида, ҳурматли устоз ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Бу даврни янада чуқур маъно-мазмун билан тўлдириб, миллий юксалишга эришиш фақат ва фақат ўзимизга, шу йўлда ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимизга боғлиқ.

Биз халқимизнинг энг катта бойлигини – миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулият билан адо этиб келаётган сизлар каби фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Сизларни Устоз ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Андижон:

барча соҳаларда тараққиётнинг янги босқичи бошланмоқда



1 Эндиликда йирик, кенг фюзеляжли ҳаво кемаларини қабул қилиш учун ҳам зарур шароит мавжуд. Бироқ аэропортдаги ишлар шу билан якунланмайди. Ҳозир реконструкциянинг иккинчи босқичи давом этмоқда. Майдони 19 минг 685 квадрат метр бўлган икки қаватли замонавий терминал қурилмоқда. Янги терминал фойдаланишга топширилгач, аэропортнинг соатига хизмат кўрсатиш қуввати 200 нафардан 1,000 нафар йўловчигача ошади. Юқори тезликдаги Wi-Fi ва ақлли хизматларнинг жорий этилиши эса бу ердаги хизматларнинг мазмунини янада ўзгартиради.

Бугун аэропорт орқали еттита авиакомпания маҳаллий ва халқаро йўналишларда мунтазам қатновларни амалга оширмоқда. Келгусида йиллик авиарейслар сонини 808 тадан 2 минг 500 тага, йўловчиларга хизмат кўрсатиш имкониятини эса 3,5 миллион нафарга етказиш режалаштирилган. Демак, аэропортдаги реконструкцияни фақат бир инфратузилма объектини янгилаш сифатида эмас, балки Андижоннинг иқтисодий ва сайёҳлик имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган жараён сифатида баҳолаш мумкин.

Туризм ва транспорт – янги имкониятлар сари

Аслида, сайёҳлик салоҳиятини ошириш ҳақида гап кетганда, замонавий транспорт инфратузилмасининг ўзи етарли эмас. Сайёҳни ҳудудга олиб келиш билан бирга, уни бу ерда ушлаб қоладиган, дам олиш ва вақт ўтказиши учун муносиб шароит яратадиган масканлар ҳам зарур. Андижон вилоятида амалга оширилаётган экотуризм ва гастрономик туризм лойиҳалари ана шу эҳтиёж билан уйғун.

Асака туманидаги “Янги ҳаёт” ҳудудида 192 гектар майдонда барпо этилган экотуризм мажмуаси шундай лойиҳалардан бири. Адирлар бағрида жойлашган масканда табиий муҳит ва замонавий дам олиш имкониятлари бирлаштирилган. Бу ерда капсула шаклидаги тўртта дам олиш уйи, миллий услубдаги бешта ўтов, оилавий ресторан, турли аттракционлар ва тунги ёритиш тизими ташкил этилган. Ўттиз гектар майдонда манзарали дарахтлар ва арчалар экилган. Мажмуада табиатни асраш масаласига ҳам амалий ёндашилган. 14 минг куб метр сиғимга эга мембранали сув ҳавзаси қурилиб, дарахт ва экинлар томчилатиб суғориш тизими орқали парваришланмоқда. Бу эса туризмни ривожлантириш билан бирга табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳам кўзда тутади. Умумий қиймати 51,8 миллиард сўм бўлган лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати – унинг бандликка таъсири ҳамдир. Бу ерда 275 та доимий ва 200 та мавсумий иш ўрни яратилган. Мажмуа тўлиқ қувватда ишлаганда йилига 80 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилиши ва маҳаллий бюджетга 3 миллиард сўм тушум таъминланиши кутилмоқда. Шу билан бирга, боғда етиштириладиган узумни экспорт қилиш режалаштирилган.

Туризмнинг яна бир йўналиши Андижон шаҳридаги Ўрикзор маҳалласида кўзга ташланади. Машраб ва Сариқуй кўчаларини қамраб олган гастрономик туризм кўчаси шаҳар муҳитига нафақат янги хизмат турларини, балки ўзига хос жамоат маконини ҳам олиб кирмоқда. Бу ерда пиёдалар ва велосипедлар учун хавфсиз йўлаклар, замонавий ландшафт ечими, фавворалар, ёритиш воситалари, селфи ҳудудлари, очиқ спорт майдончалари, болалар экомайдончалари ва оилавий дам олиш масканлари ташкил этилган.

18 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида 100 та янги иш ўрни яратилган. Ҳудуддаги 35 та савдо объектида 30 та тадбиркорлик субъекти кечаю кундуз хизмат кўрсатмоқда. Кўчанинг бир кунда 10 мингдан зиёд аҳоли ва сайёҳни қабул қилиш имконияти эса унинг оддий савдо ҳудудидан кўра кенгроқ вазифани бажараётганини кўрсатади.

Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги бундай ўзгаришлар, табиийки, шаҳар инфратузилмасига ҳам янги талабларни юзага келтиради. Андижонда бу масала транспорт тармоғини такомиллаштириш орқали ҳам ҳал этилмоқда. Бобур шоҳ кўчасининг икки қисмини боғловчи янги йўлўтказгичнинг ишга туширилиши эса бунга ёрқин мисолдир.

Умумий қиймати 271 миллиард сўм бўлган мазкур иншоот шаҳарнинг икки қисмини тўғридан-тўғри боғлаб, ортиқча айланма йўлларни қисқартирмоқда. Унинг умумий узунлиги 796 метр, кенглиги 25,9 метр бўлиб, 596 метри эстакададан иборат. Энг муҳими, янги йўлўтказгичдан Андижон шаҳри ва Олтинкўл туманида яшовчи 140 минг нафар аҳоли фойдаланади. Улар энди 5,3 километр ортиқча йўл босмайди, манзилга етиб бориш вақти эса 17 дақиқагача қисқаради. Бундай ўзгаришларнинг қиймати айниқса шошилинч тиббий ёрдам мисолида яққол кўзга кўринади. Янги йўлўтказгич туфайли беморларни шошилинч тиббий ёрдам марказига аввалгидан 14 дақиқа эртароқ етказиш имкони пайдо бўлди.

Шундай экан, йўл ва кўприклар қурилиши ҳақидаги рақамлар ортида одамларнинг кундалик ҳаёти, вақт тежалиши ва айрим ҳолларда инсон ҳаёти учун ҳал қилувчи бўлган дақиқалар турибди. Андижоннинг транспорт инфратузилмасидаги ишлар келгусида ҳам давом этади. Келаси йил Миллий тикланиш ва Навоий, Ўзбекистон ва Бобур, Амир Темур ва “Янги айланма йўли” кўчалари кесишмаларида яна учта йирик йўлўтказгич қурилиши, Асака тумани марказини айланиб ўтувчи кўприкни ишга тушириш режалаштирилган.

Энергетика, шаҳарсозлик ва коммунал инфратузилма

Вилоятдаги ривожланиш жараёни транспорт билан бирга энергия таъминоти масаласини ҳам долзарблигини оширмоқда. Саноат ва аҳоли эҳтиёжлари ортиб борар экан, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш муҳим. Бу борада Андижоннинг дарё ва каналлари катта захира сифатида кўрилмоқда. Жумладан, вилоятнинг гидроэнергетика салоҳияти 200 мегаваттни ташкил этади. Бу йилига 500 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Айни пайтда умумий қуввати 44 мегаватт бўлган кичик ва микроГЭСлар қуришга 400 нафар талабгор бор. ГЭС турбиналарини ишлаб чиқариш вилоятнинг ўзида йўлга қўйилгани эса бу йўналишда маҳаллий ишлаб чиқариш имкониятлари ҳам шаклланаётганини кўрсатади.

Қолаверса, ҳудуд иқтисодиёти ва инфратузилмаси ривожланган сари аҳоли учун муносиб яшаш шароитини яратиш масаласи ҳам табиий равишда биринчи ўринга чиқади. Шу нуқтаи назардан, Андижонда янги шаҳарсозлик лойиҳаларига катта эътибор берилмоқда. Тўрт минг гектар қир-адир майдонида барпо этилаётган Бобур шаҳрида ҳозирга қадар 25 минг нафар аҳоли янги уйларга кўчиб ўтган. Энди бу ҳудудда яна 200 минг кишига мўлжалланган 800 та кўп қаватли уй-жой қурилиши бошланган.

Янги шаҳарни фақат турар жойлардан иборат ҳудудга айлантириш эмас, балки унда тўлақонли шаҳар муҳитини шакллантириш мақсад қилинмоқда. Шу боис савдо комплекслари, бизнес марказлари, меҳмонхоналар, хусусий таълим, тиббиёт ва спорт объектларини барпо этиш истагидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Инвестициянинг қайтиш муддати узоқ бўлган бундай объектлар учун ернинг бошланғич нархини уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ерларга нисбатан икки баробар арзон белгилашга розилик билдирилган.

Шаҳарнинг барқарор ривожланиши эса фақат уй-жой, йўл ёки янги хизмат объектлари билан чекланмайди. Кундалик ҳаёт учун энг зарур эҳтиёжлардан бири бўлган ичимлик суви ва канализация тизими ҳам бирдек муҳим. Сўнгги йилларда бу йўналишга 1,5 триллион сўм маблағ ажратилиб, вилоятда ичимлик суви билан қамров 93 фоизга етказилган.

Келгуси йилдан Хонобод–Андижон магистрал қувурининг иккинчи тармоғини қуриш бошланиши режалаштирилган. Бу бир миллион аҳолининг сув таъминотини яхшилашга хизмат қилиши кўзда тутилмоқда. Андижон шаҳрида канализация тармоғининг 9 километри реконструкция қилинмоқда, яна 15 километр тармоқни янгилаш учун маблағ ажратилади. Аҳоли сони ўсиб бораётганини инобатга олиб, Олтинкўлдаги оқова сув тозалаш иншоотининг қуввати ҳам икки баробар оширилади.

Шу тариқа, Андижонда амалга оширилаётган ишларга бир-биридан алоҳида лойиҳалар сифатида эмас, балки ягона жараённинг турли қисмлари сифатида қараш мумкин. Аэропортнинг янгиланиши ҳудудни ташқи дунё билан янада яқинлаштирса, йўлўтказгичлар одамларнинг вақт ва масофасини қисқартиради. Туризм объектлари янги хизматлар ва иш ўринларини яратади, гидроэнергетика лойиҳалари эса мавжуд табиий имкониятларни иқтисодий фаолликка жалб этади. Янги шаҳар ва уй-жойлар аҳоли сони ўсишига мос шароит яратса, сув ва канализация тизимларининг янгиланиши бу муҳитнинг энг зарур эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган.

Буларнинг барчасида эътиборни тортадиган жиҳат – катта рақамлар ортида оддий инсоннинг кундалик ҳаётига дахлдор натижалар борлигидир. Самолётнинг ўз вақтида кўниши, манзилга бир неча дақиқа эртароқ етиб бориш, янги иш ўрнига эга бўлиш, оила билан дам олиш учун муносиб масканнинг пайдо бўлиши ёки хонадонга сифатли ичимлик суви етиб бориши – тараққиётнинг одамлар ҳис қиладиган кўринишларидир.

Андижондаги бугунги янгиланишлар ҳам айнан шу нуқтада бир-бири билан уйғунлашади. Инфратузилма, туризм, энергетика, шаҳарсозлик ва коммунал хизматлардаги ўзгаришлар бир томондан ҳудуднинг иқтисодий имкониятларини кенгайтирса, иккинчи томондан аҳоли учун қулай ва замонавий ҳаёт муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Вилоятнинг янги қиёфаси эса ана шу жараёнлар бир-бирини тўлдирган сари янада яққол намоён бўлмоқда.

Кўприклар йўлларни эмас, тақдирларни боғлайди



Андижон ҳақида гап кетганда, унинг серҳаракат кўчалари, тиғиз аҳоли яшайдиган маҳаллалари ва куннинг деярли ҳар соатида тўхтамайдиган транспорт оқими кўз олдимизга келади. Вилоят маркази ҳудуд жиҳатидан катта бўлмаса-да, аҳоли зичлиги мамлакатдаги энг юқори шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳар бир янги йўл, ҳар бир чорраҳа ва айниқса, ҳар бир кўприкнинг аҳамияти бу ерда бошқа ҳудудларга нисбатан анча юқори баҳоланади. Чунки, кичик ҳудудда ҳаракатланаётган юз минглаб автомобиллар учун битта транспорт тугунидаги узилиш бутун шаҳар ҳаракатига таъсир кўрсатади.

Зиё СИРОЖ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Йиллар давомида Андижон шаҳрининг Бобуршоҳ кўчасидаги темир йўл кесишмаси ана шундай оғриқли нуқталардан бири бўлиб келди. Темир йўлдан поезд ўтган пайтларда юзлаб автомобиллар икки томонда навбатга тизилар, ҳайдовчилар ва йўловчилар қимматли вақтларини тирбандликда ўтказарди. Айланма йўл орқали ҳаракатланиш эса йўлни бир неча километрга узайтирарди. Президентимизнинг Андижон вилоятига аввалги ташрифи чоғида айнан шу муаммони ҳал этиш бўйича берилган топшириқ бугун амалий натижа берди. Бобуршоҳ кўчасида умумий қиймати 271 миллиард сўм бўлган замонавий йўл ўтказгич барпо этилди ва расман фойдаланишга топширилди.

Янги иншоот шаҳарнинг икки қисмини ўзаро тўғридан-тўғри боғлаб, транспорт ҳаракатини мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Унинг умумий узунлиги 796 метрни ташкил этади. Шундан 596 метри эстакада, яна 200 метри тиргак деворли йўл қисми ҳисобланади. Кенглиги 25,9 метр бўлган ушбу йўл ўтказгич бир вақтнинг ўзида катта транспорт оқимини қабул қилиш имкониятига эга. Энг муҳими, бу иншоот рақамларда эмас, одамларнинг кундалик ҳаётида ўзгариш яратди. Энди Андижон шаҳри ва Олтинкўл туманида яшовчи 140 минг нафар аҳоли ҳар куни 5,3 километр ортиқча йўл босмайди. Илгари темир йўл кесишмасида кутиш ва айланма йўлдан ўтишга сарфланган вақт сезиларли даражада қисқарди. Манзилга етиб бориш ўртача 17 дақиқага тезлашди. Бу эса бир қарашда кичик рақамдек туюлса-да, ҳар куни ишга, ўқишга ёки хизмат юзасидан қатнайдиган минглаб инсонлар учун жуда катта ютуқдир.

Кўприк, нафақат, оддий ҳайдовчилар, балки тезкор хизматлар учун ҳам ҳаётий аҳамият касб этди. Энди тез тиббий ёрдам, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа махсус хизмат машиналари аввалгидай узоқ айланма йўлдан эмас, энг қисқа масофа орқали ҳаракатланади. Улар босиб ўтадиган йўл 15 километрдан 9,3 километргача қисқарди. Бунинг натижасида оғир аҳволдаги беморларни Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази филиалига аввалгидан 14 дақиқа эртароқ етказиш имконияти пайдо бўлди. Айрим ҳолатларда ана шу дақиқалар инсон ҳаётини сақлаб қолиш билан тенг аҳамиятга эга.

Бугун кўприкдан ўтаётган андижонликларнинг юзидаги мамнунликни кўришнинг ўзиёқ бу иншоотнинг ҳақиқий қийматини англатади.

– Бу кўприкни андижонликларнинг узоқ йиллар давомида кутилган орзуси десак, хато бўлмайди, – деди Андижон шаҳрида яшовчи фуқаро Одилжон Раҳмонов. – Унинг лойиҳаси ҳақида аввал ҳам кўп эшитганмиз. Аммо, қурилиши айнан бугунги ислоҳотлар даврига тўғри келди. Энди узоғимиз яқин бўлди. Олдин темир йўл олдида қанча вақт туриб қолардик. Ҳозир эса бир неча дақиқада манзилга етиб борамиз. Бу кўприк, нафақат, ҳаракатни енгиллаштирди, балки шаҳримиз марказига ҳам замонавий кўрк бағишлади.

Дарҳақиқат, янги йўл ўтказгичга назар ташлаганда, унинг фақат транспорт иншооти эмас, балки замонавий шаҳарсозлик намунаси эканини ҳам ҳис қилиш мумкин. Эстакаданинг муҳандислик ечими, кенг ҳаракат йўлаклари, ён инфратузилма ва атроф муҳит билан уйғунлиги Андижоннинг янги қиёфасини янада бойитди. Бугун у шаҳарга кириб келаётган ҳар бир меҳмон эътиборини тортадиган муҳим объектлардан бирига айланди. Энг муҳими, мазкур кўприк бир муаммони ҳал қилиш билан чекланмайди. У шаҳар транспорт тизимини келгуси йиллар учун ҳам барқарорлаштиришга хизмат қилади. Автомобиллар оқими эркинлашади, тирбандликлар камаяди, ёнилғи тежалади, ҳавога чиқадиган зарарли чиқиндилар қисқаради. Бу эса иқтисодий самара билан бирга экологик ва ижтимоий аҳамиятга ҳам эга.

Андижонда барпо этилган ушбу йўл ўтказгич яна бир ҳақиқатни тасдиқлади: кўприклар фақат икки соҳилни эмас, инсонларнинг имкониятлари ва орзу-умидларини ҳам боғлайди. Узоқ йиллар кутилган бу иншоот бугун андижонликлар ҳаётини енгиллаштираётган, вақтни тежаётган ва шаҳар тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган муҳим рамзга айланди.













Чўл бағридан баҳорларга туташган тақдир



Тарих ва ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, жамиятда катта муваффақиятга эришган, эл-юрт эътиборини қозонган кўплаб забардаст шахслар, йирик раҳбарлар ва тадбиркорлар, аввало, ўқитувчи, зиёли оилаларда камол топишади. Чунки муаллим хонадонида улғайган фарзанднинг қон-қонига ҳалол ризқ, илмга ҳурмат ва юксак масъулият ҳисси сингдирилади.

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида ҳаёт йўлига назар ташлаётганимиз Анвар Шукуровнинг тақдири ҳам бунинг ёрқин исботидир. У Ўзбекистон ва СССР маориф аълочиси, умрини мактабда маърифат улашишга бағишлаган Исмат Шукуров хонадонида улғайди. Отасининг берган гўзал тарбияси, унга айтган “Борган жойингда шундай меҳнат қилгинки, ўн кун ишласанг, сени ўн йил эслаб юришсин!” деган теран ўгити ёш Анварнинг бутун умрлик маънавий пойдеворига айланди.

Зеро, бундай маърифатли ва ҳалол хонадонда тарбия топган инсон учун умрнинг асл баҳоси қандайдир вақтинчалик унвонлар ёки зафарли ютуқлар билан ўлчанмайди. Аксинча, у ўзидан кейин қолдирадиган боқий из ва эзгу амалларни ҳаётнинг энг олий мезони деб билади. Эртага бизни ким деб эслашади? Энг азизи – эл-юрт хотирасида шарафли ва ҳалол ҳаёт кечирган инсон сифатида қолишдир. Бироқ бу шарафни ҳам жангчининг шонидек ҳар лаҳза ҳалол меҳнат ва тоза фитрат билан ҳис қилиб, муносиб ҳимоя қилмоғимиз даркор.

Ўзгаларга азият етказмаслик, ҳар дақиқа ёрдамга шай бўлиш, доим яхшилик пайида юриш ва ҳар қандай синовни Яратганнинг марҳамати ўлароқ қабул қилиш – мана шулар инсоннинг чинакам маънавий бутунлигини белгилайди. Ота-онасининг теран ўгитларини умр бўйи шиор қилган Анвар Шукуровнинг босиб ўтган йўли – баландпарвоз гаплар эмас, балки аниқ меҳнат ва бунёдкорлик қиссасидир. У Қарши чўлларидан тортиб Қорақалпоғистон бағригача қаерда ишламасин, аввало, ўзининг виждонан ишлаши ва қатъий интизоми билан янгиликлар яратишга ҳаракат қилди. Чунки қандай юксак лавозим ва марраларга эришманг, инсон сифатида соддаликни, тоза фитратни ва ота-онадан олинган маънавий илдизларни йўқотмаслик – энг улуғ саодатдир.

Саҳродаги муҳандис

1948 йилнинг баҳорида Қашқадарёнинг зиёли оилаларидан бирида дунёга келган Анвар Шукуров ёшликданоқ илмга, бунёдкорликка иштиёқманд бўлиб ўсди. 1965 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига кирган ғайратли йигит 1970 йилда янги очилган факультетни тамомлаб, ноёб мутахассислик – гидроиншоотлар қурилиши (ГТС) бўйича муҳандис-қурувчи дипломини қўлга киритган дастлабки 27 нафар мутахассисдан бирига айланди.

Тақдир уни илк синовлари ва зафарлари бошланган Қашқадарёнинг жазирама чўлларига етаклади. Қарши магистрал каналининг икки йирик насос станцияси қурилишида оддий мастер сифатида иш бошлаган ёш муҳандис икки йил ичида 700 нафардан ортиқ ишчи ва ходим меҳнат қиладиган жамоага бош муҳандис этиб тайинланди. Унинг билим ва тажрибаси, энг муҳими, ишни ташкил эта билиши мураккаб қурилиш жараёнларида тезда намоён бўлди. Амударё сувини Қашқадарё бағрига етказишдек катта вазифада унинг ташкилотчилик қобилияти муҳим ўрин тутди.

Ўша йиллари республика раҳбари Шароф Рашидов ҳамда собиқ Иттифоқ сув хўжалиги вазири ушбу гигант гидротехник иншоотларнинг тантанали очилиш маросимига келишган эди. Эл фаровонлиги йўлида тунни кунга улаб меҳнат қилган ёш муҳандис Анвар Шукуровнинг фидойилиги республика раҳбарининг диққатидан четда қолмади – Шароф Рашидов унинг шижоатига катталарга хос самимий меҳр ва эътироф билан юксак баҳо берди.

Ўша кезларда “Қаршистрой” жуда йирик ташкилотлардан бири эди. Унинг бош муҳандиси Николай Каменев соҳа олимларининг олими, катта тажрибага эга устоз сифатида танилган. Ҳабибулла Шагазатов эса “Қаршистрой”га раҳбарлик қилган, ёш мутахассисларга кўп йиллар давомида устозлик қилган инсон эди. Қарши шаҳрида йирик уй-жой массивлари ва саноат корхоналари қурилиши авж олган пайтда Анвар Шукуровнинг меҳнати ҳам эътибордан четда қолмади. Каменевнинг тавсияси билан у йирик трестга раҳбар этиб тайинланди.

Анвар ака ушбу трестдаги раҳбарлик йилларида, аввало, ўзига ва қўл остидаги ҳар бир ходимга ўта қатъий талабчанликни ўрната билди. У бошқарган трестлар ҳамда ПМКларда иш сифати ва темир интизом бирламчи мезон эди. “Талаб ҳамма жойда ҳам талаб. Мен ўз жамоамга, трест ва ПМКларимга талабни жуда жиддийлик билан қўярдим. Чунки улкан қурилишлар ва давлат топшириғи асло бепарволикни кўтаролмасди”, – дея эслайди ўша йилларни Анвар ака. Қаршидаги уй-қурилиш, қувурлар ҳамда механика заводлари қурилиши айнан ушбу темир интизом ва узлуксиз меҳнат эвазига қисқа фурсатларда фойдаланишга топширилди.

Тошкент Олий партия мактабини аъло баҳолар билан тамомлагач, Анвар Шукуров зиммасига яна бир масъулиятли ва муҳим давлат топшириғи юкланди. Республика раҳбари Шароф Рашидов шахсан қабулига чақириб, Қашқадарёнинг янги ўзлаштирилаётган чўл ҳудудлари – Муборак, Баҳористон, Косон ва Касби туманларида инфратузилма барпо этиш ҳамда 18 та йирик совхозни ташкил қилиш бўйича муҳим ва масъулиятли вазифани топширди. Ушбу ҳудудларга кўчириб келтирилган бошқа миллат вакиллари ҳамда мутахассислар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, уларни ягона жамоа сифатида бошқариш ва янги ташкил этилган ихтисослаштирилган қурилиш тизимига Бош муҳандис ҳамда биринчи раҳбар ўринбосари сифатида етакчилик қилиш ёш ва ғайратли муҳандисга топширилди.

Айнан шу йиллари Тошкентдаги Москвага тўғридан-тўғри бўйсунувчи “Главсредазирсовхозстрой” раҳбари, академик Нажим Ҳамроев каби етук устозлар мактабини ўтаб, йирик республика миқёсидаги ташкилотчига айланди.

Туғилган тупроқ олдидаги бурч

1984 йилда Анвар Шукуров зиммасига яна бир ғоят масъулиятли вазифа юкланди: у Қарши шаҳар ижроия қўмитаси раиси лавозимига тайинланди. Ўша йиллари 150 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган она шаҳри ободлиги учун у туну кун заҳмат чекди. Европа ва Японияда кўриб қайтган замонавий шаҳарсозлик тажрибаларини дадил татбиқ этиб, Қаршида муҳташам боғлар, хиёбонлар ва болалар масканларини барпо қилди. Темир йўл бекатини тубдан реконструкция қилди, мактаблар, боғчалар ҳамда туман ва шаҳарлардаги турар-жойлар қурилишини мислсиз даражада жадаллаштирди. Қарши шаҳри республика ва Иттифоқ миқёсидаги мусобақаларда доимий биринчи ўринни эгаллади. Айнан мана шу қизғин ва фидокорона меҳнати муносиб эътироф этилиб, 34–35 ёшида ўша даврнинг энг олий мукофотларидан бири – “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени билан тақдирланди.

Кейинчалик, Ислом Каримов Қашқадарё вилоятининг биринчи котиби бўлиб фаолият юритган, туман ва шаҳарларни ривожлантириш бўйича ўта қатъий талаблар қўйилган мураккаб ўтиш даврида ҳам Анвар Шукуров ўзининг юқори касбий салоҳияти, мустаҳкам интизоми ва ташкилотчилиги билан ажралиб турди. Туну кун штабларда кечадиган қизғин иш режими ва эрталабки қатъий интизом уни янада тоблади. Раҳбарият томонидан топширилган ҳар бир иқтисодий ва ижтимоий топшириқни масъулият билан адо этиб, ҳудуд инфратузилмасини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришда фаол қатнашди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва туб бурилишлар даврида Анвар Шукуров ўзининг нафақат малакали раҳбар, балки халқаро миқёсдаги салоҳиятли тадбиркор сифатида кўрсата билди. Қисқа фурсатда “Қаршиинторг” ташкилотини бошқариб, уни бир йил ичида миллионер ташкилотга айлантирди. АҚШ ҳамда Европа мамлакатларига сафар қилиб, халқаро фирмалар билан шартномалар тузди. Қаршига Ан-26 самолётлари, КамАЗ автомобилларини олиб кириш, шунингдек, биринчи бўлиб Coca-Cola заводи ва ип-йигириш фабрикаларини қуриш бўйича улкан валюта шартномаларини имзолади. Ташкилот маълум сабабларга кўра ликвидация қилингач, “Ўзнефтмаҳсулот” АЖ тижорат бошқармаси бошлиғи сифатида меҳнатни давом эттиради.

Гарчи бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги турли тушунмовчиликлар ва ғовлар туфайли бу йўлда қийинчиликларга учраган бўлса-да, қатъияти ва сабри билан қатор муваффақиятларга эриша олди. Кейинчалик Москвадаги йирик тижорат ҳамда ишлаб чиқариш тузилмаларида, Европада муваффақиятли фаолият юритиб, топган тажрибаси ва сармояларини яна Ўзбекистон саноатига йўналтира бошлади.

Янги давр саноати: катта уфқлар, ижтимоий масъулият ва давлат эътирофи

Бугун мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида тадбиркорликка кенг йўл очилиб, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган бир даврда Анвар Шукуров учун ҳам янги ва улкан уфқлар очилди. Тажрибали саноат ва қурилиш дарғаси яратилган ушбу қулай бизнес муҳитидан унумли фойдаланиб, республиканинг энг чекка ва мураккаб ҳудудларига йирик инвестициялар киритишни бошлади.

Унинг таъсисчилигида барпо этилган МЧЖлар тармоғи бугунги кунда бошқарув компанияси “Shah-Polan M” атрофида бирлашган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг турли йўналишларида улкан лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманида барпо этилган ва ҳудуд саноатининг ҳақиқий локомотиви бўлган “Karakalpak sement” МЧЖ шулар жумласидандир. Тадбиркор томонидан Қорақалпоғистон ва республиканинг бошқа ҳудудларига 200 миллион доллардан ортиқ инвестиция киритилиб, 2000 дан ортиқ доимий иш ўринлари яратилди.

Айни пайтда холдинг таркибида ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларидаги йирик лойиҳалар фаолият юритмоқда: “Karakalpak sement” ва “Fortis cement” цемент заводлари, “Coals KS” газоблок ҳамда оҳак ишлаб чиқариш заводлари, “Sarbon TMBK” карьерлари ва “Expres Milk” сутни қайта ишлаш заводи тўлиқ қувват билан ишламоқда. Шунингдек, “Qaynarsoy Vilagi” дам олиш зонасининг ярим қуввати ишга туширилган бўлиб, қисқа фурсатларда қолган қисми ҳам фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Яқин истиқболда эса тайёргарликнинг якуний босқичида турган 6 та инновацион ва стратегик лойиҳа: “Konirat Mineral” ҳайвонлар ва паррандалар учун озуқа ишлаб чиқариш заводи, “Glaukonine mineral” табиий минерал ўғит заводи, “Eolika Minaret” шамол электр станцияси, “Minaret eco komleks” эко мажмуаси, “Evro EkFin” қорамол фермаси ҳамда “Ekomiks Effect” органик ўғит ишлаб чиқариш заводлари тўлиқ ишга туширилиши кутилмоқда. Энг муҳими, биргина ушбу янги лойиҳаларни ишга тушириш эвазига келаси йилнинг ўзида фақат Қорақалпоғистон Республикасининг ўзида яна 600 та янги иш ўрни яратилади.

Анвар Шукуров фаолиятининг муҳим ва эътиборга молик томони шундаки, у нафақат саноат ва иқтисодиётни ривожлантирмоқда, балки ижтимоий масъулиятни ҳам юксак даражада ҳис этади. У бошчилик қилаётган компания спортни, хусусан, интеллектуал ва миллат ғурури бўлмиш шахматни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Сўнгги 10 йилдан буён Қарши шаҳрида мунтазам равишда Ўзбекистон шахмат федерацияси билан ҳамкорликда “Qarshi Open” халқаро шахмат турнири ўтказиб келинмоқда. Ҳар йили 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган 300 дан ортиқ маҳаллий ҳамда 11 дан ортиқ хорижий давлатлардан 100 дан зиёд шахматчилар (жумладан, 10 дан ортиқ халқаро гроссмейстерлар) қатнашадиган ушбу турнирнинг совриндан жамғармаси 450 миллион сўмни ташкил этади. Хорижий меҳмонларнинг яшаши, овқатланиши ва транспорт харажатлари компания томонидан тўлиқ таъминланади. Бугун мамлакатимиз шарафини дунё миқёсида ҳимоя қилаётган Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Якуббоев, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов каби жаҳон чемпионларининг камол топишида ушбу лойиҳанинг муносиб ҳиссаси бор.

Инсон меҳнатининг муносиб қадр топиши – адолатнинг энг юксак тантанасидир. Ривоятлардан бирида: “Бир соат адолат билан ўқим қилиш етмиш йиллик ибодатдан афзалдир”, дейилади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида, янги лойиҳалар тақдимоти жараёнининг ўзидаёқ эълон қилинган юксак эътирофи ана шундай адолатли ва адолатпарвар ёндашувнинг амалий исботи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 сентябрдаги Фармонига мувофиқ, Шукуров Анвар Исматович “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор” фахрий унвони билан тақдирланди.

Ушбу хушхабар лойиҳалар тақдимоти чоғидаёқ эълон қилинганда, тажрибали тадбиркор Анвар ака кўзидаги ёшни яшира олмади. Ахир бу кўз ёшлар ортида не-не заҳматли йиллар, кечаси билан штабларда кечган тунлар, ҳалол ва тинимсиз меҳнат ҳамда аҳл ва жонкуяр жамоасининг улкан меҳнати ётар эди!

Шунингдек, у “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими” фахрий унвони, Нью-Йорк Фанлар Академияси академиги ҳамда Ростов давлат университети фахрий профессори бўлиб, эл-юрт равнақи йўлида тинимсиз изланишда давом этмоқда.

Етти аждодининг шажарасини тиклаб, бой ҳаётий тажрибасини келажак авлодга китоб ҳолида мерос қолдираётган Анвар Шукуровнинг эътиқоди ва маънавий дунёси мана шу эзгу тамойилга таянади:

– Ҳаётда фақат яхшилик қилиш керак, чунки яхшилик ҳеч қачон унутилмайди. Иккинчиси, инсон яратувчи бўлиши лозим. Сен барпо этган кўприкми, сен қурган иморат ё заводми ёки сен етиштирган шогирдми – мана шу нарса бу дунёда сендан қоладиган энг боқий хотирадир.

Қарши чўлларидан бошланиб, Қорақалпоғистоннинг улкан саноат лойиҳаларига туташган ушбу умр йўли шунчаки муваффақият қиссаси эмас. Бу – ҳалол меҳнат, юксак матонат ва эзгу ният билан ҳаётда ўчмас из қолдириш мумкинлигининг амалий исботидир. Зеро, чўлда меҳнат қилиб, эл фаровонлигига ҳисса қўшган инсон учун энг муқаддас эътироф – унвонларда эмас, балки эл-юртнинг самимий ҳурмати ва дуосидадир.

Бугун Анвар Шукуров нафақат йирик саноат ва бизнес вакили, балки ҳиссос табиатли инсон, ўз саховати ва ёрдамини ўзгалардан аямайдиган, юзлаб ёшларга йўл кўрсатаётган жонкуяр устоздир.

Шу қутлуғ фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт корига яраб келаётган фидойи мураббийни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этамиз. У кишига мустаҳкам соғлиқ, узоқ ва мазмунли умр, эл фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларида доимий зафарлар тилаймиз!

Соҳада касбий малакаларни ривожлантириш тизими такомиллашмоқда



Низамжон ИСКАНДАРОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси бош мутахассиси, Тармоқ кенгаши котиби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ–345-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 июндаги 369-сонли қарори ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 8 январдаги 5/5-сонли буйруғига мувофиқ, қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги ва қурилиш материаллари саноати соҳаларида касбий малакаларни ривожлантириш, меҳнат бозори талабларига мос касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва миллий малака тизимини такомиллаштириш бўйича соҳада қатор ташкилий ва амалий ишлар амалга оширилди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида соҳада касбий малакаларни ривожлантириш бўйича Тармоқ кенгаши таркиби, Тармоқ кенгаши тўғрисидаги низом, шунингдек, тармоқ малака рамкаси ва касбий стандартларни ишлаб чиқиш бўйича кичик ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди.

Белгиланган вазифалар ижроси доирасида 2025 йилда тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ, соҳада Тармоқ малака рамкаси ҳамда 37 та касбни қамраб олган 10 та касбий стандарт ишлаб чиқилиб, Миллий малака тизимини ривожлантириш институтида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилди.

Мазкур йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг касбий фаолиятига қўйиладиган замонавий талабларни белгилаш, уларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини ягона мезонлар асосида шакллантириш мақсадида 2026 йилда 45 та касбни қамраб олувчи 11 та касбий стандарт лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш учун Миллий малака тизимини ривожлантириш институтига киритилди. Мазкур касбий стандартлар Институт томонидан экспертизадан ўтказилиб, уларни амалиётга жорий этиш юзасидан 2026 йил 19 августда тегишли тавсия хати олинди.

Хусусан, қуйидаги касбий стандартлар ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилди:

- Архитектор;
- Техник қурувчилар;
- Бино ва иншоотлар юзаларини қопловчилар;
- Қурилиш бригадирлари;
- Қурилиш дурадгорлари;
- Электр-газ пайвандчилари;
- Иссиқлик таъминоти тизимларига хизмат кўрсатувчилар;
- Иссиқлик таъминотига хизмат кўрсатувчилар;
- Қурилишда металл ва темир-бетон конструкцияларни ўрнатувчилар;
- Қурилишда такелажчилар;
- Оқова сувларни чиқариб юбориш (канализация) тизимларида ишловчилар.



Мазкур 11 та касбий стандарт Миллий малака тизимининг реестрига киритилди. Миллий малака тизимини ривожлантириш институтининг 01/414-сонли хати билан ушбу касбий стандартларни амалиётга жорий этиш, шунингдек, тегишли манфаатдор вазирлик, идора, таълим ташкилотлари, иш берувчилар ва бошқа ташкилотлар фаолиятида қўллаш тавсия этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида касбий фаолият турлари бўйича ходимларга қўйиладиган малака талабларини тизимлаштириш, касблар кесимида меҳнат функциялари, зарур билим ва кўникмаларни аниқ белгилаш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини меҳнат бозори талабларига мувофиқлаштириш учун зарур услубий асос шакллантирилди. Шу билан бирга, ишлаб чиқилган касбий стандартларни таълим дастурлари билан уйғунлаштириш, малака баҳолаш тизимида қўллаш, иш берувчиларнинг кадрларга бўлган талабларини аниқ белгилаш ҳамда соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун ҳуқуқий ва услубий замин яратилди.

Унинг учун архитектура шунчаки касб эмас, балки доимий ҳаёт тарзидир...



Инсоннинг қадри унинг эгаллаган лавозими ёки айтган сўзлари билан эмас, аввало, жамият ва юрт учун амалга оширган фойдали ишлари, одамлар ҳаётида қолдирган эзгу изи билан ўлчанади. Кимдир ўз касби орқали бинолар бунёд этади, кимдир илм ўргатади, яна кимдир умри давомида ўзидан кейинги авлодга тажриба ва ибрат қолдиради.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қаҳрамонимиз Илдор Ҳасанов ҳам ўз соҳасининг ҳақиқий фидойисидир.

Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида қарийб ярим асрлик тажрибага эга малакали мутахассис бугун ҳам ўз касбига бўлган меҳри, интизоми ва масъулияти билан жамоа орасида ҳурмат қозониб келмоқда. Унинг ҳаёт йўли эса бир инсоннинг тақдири мисолида устоз тарбияси, меҳнат, сабр, изланиш ва Ватанга садоқат каби тушунчаларнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Болаликдаги ранглардан катта шаҳарлар тақдиригача

Илдор Ҳасанов 1951 йилнинг ёзида Тошкент шаҳрида ўқитувчилар оиласида дунёга келди. Унинг болалиги ҳам китоб, таълим ва изланиш муҳитида кечди. Онаси Ил Кафильевна ўқитувчи эди. Отаси Акрам Ҳасанов эса масъулиятли раҳбарлик лавозимларида фаолият юритарди. Отасининг иш билан бандлиги сабабли оилада фарзанд тарбиясининг катта қисми онасининг зиммасига тушарди. Аммо буни оғир вазифа деб эмас, фарзандининг келажаги учун масъулият деб билган она Илдор Ҳасановнинг ҳар бир қадамини кузатиб, унинг қизиқишларини қўллаб-қувватлади.

Болаликда инсон қалбида уйғонган кичик бир қизиқиш баъзан бутун умрлик касбга айланади. Ёш Илдорнинг ҳам шундай қизиқиши бор эди. У расм чизишни яхши кўрарди. Ҳали иккинчи синфдаёқ турли суратлар чизишга иштиёқманд бўлган боланинг бу қизиқиши онасининг эътиборидан четда қолмади. Рангли қаламлар, бўёқлар, пластилинлар – буларнинг барчаси кичик Илдорнинг тасаввур оламини янада кенгайтирди. Аввалига табиат ва инсонлар тасвирини чизган бола кейинчалик турли чизмаларга қизиқди, пластилиндан инсон гавдасини ифодаловчи шакллар ясай бошлади.

Эҳтимол, ўша пайтларда бу оддий болалик машғулотидек кўринган бўлиши мумкин. Аммо бу қизиқишнинг замирида кейинчалик уни архитектура соҳасига етаклайдиган муҳим қобилият – маконни тасаввур қилиш, шакл ва мутаносибликни ҳис этиш, яратишга интилиш бор эди. Шу маънода, унинг касбий йўли дипломдан эмас, айнан болаликдаги ана шу қизиқишлардан бошланган, дейиш мумкин.

1968 йилда Тошкентдаги 165-сонли умумтаълим мактабини тамомлаган Илдор Ҳасанов Тошкент политехника институтининг архитектура ва шаҳарсозлик йўналишига ўқишга кирди. Олийгоҳда у соҳанинг тажрибали устозларидан сабоқ олди. Профессорлар А. Бабаханов, Л. Караш, В. Слоним, В. Архангельский, В. Бабиевский, В. Нильсен, К. Крюков, А. Ванке, И. Суханов, А. Хидоятов, В. Коломенский, Ю. Пурецкий каби мутахассисларнинг дарслари ёш талабанинг касбий дунёқараши шаклланишида муҳим ўрин тутди.

У талабалик йилларида ҳам изланувчанлиги ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб турди. Институтни муваффақиятли тамомлагач, иш фаолиятини янги ерларни ўзлаштириш ва қурилишларни лойиҳалаштириш йўналишида бошлади. Шу тариқа болаликда қоғозга туширилган илк чизгилар энди ҳақиқий шаҳарлар, турар жойлар, ижтимоий объектлар ва одамлар яшайдиган муҳит лойиҳаларига айлана бошлади.

Шаҳарларни қоғозда эмас, инсон тақдири билан бирга кўриш

Архитектурани фақат чизиқлар, ўлчамлар ва ҳисоб-китоблар йиғиндиси деб тасаввур қилиш қийин. Чунки ҳар бир лойиҳа ортида инсон бор. Унинг уйи, кўчаси, мактаби, боғчаси, иш жойи, дам оладиган маскани ва кундалик ҳаёти бор. Илдор Акрамовичнинг меҳнат фаолияти давомида айнан шу тамойил устувор бўлиб келди.

Дастлаб қурилишларни лойиҳалаштириш соҳасида ишлаган ёш мутахассис Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги шаҳарчаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш, аҳоли пунктлари, турар жойлар ва ижтимоий-маиший объектларни лойиҳалаш жараёнларида иштирок этди. Бу фаолият унинг учун катта тажриба мактаби бўлди. Чунки лойиҳалаш столи ортида ўтириб, одамларнинг ҳаёти ҳақида қарор қабул қилиш осон эмас. Бунинг учун ҳудудни билиш, одамлар билан гаплашиш, уларнинг эҳтиёжларини тушуниш, урф-одатларини ҳисобга олиш ва энг муҳими, инсон қадрини биринчи ўринга қўйиш талаб этилади.

Кейинчалик “O‘zshaharsozlik LITI” ДМнинг Бош режалар бўлимида фаолиятини давом эттирган Илдор Ҳасанов тажрибали мутахассис Борис Швайбиш раҳбарлигида ўз касбий маҳоратини янада оширди. Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарлари бош режалари, Сурхондарё вилоятидаги Термиз, Денов, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Сирдарё вилоятидаги Ширин, Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Қувасой, Бешариқ, Тошлоқ, Яйпан, Сўх каби шаҳар ва шаҳарчалари, шунингдек, Андижон ва Тошкент вилоятларидаги туман марказларини лойиҳалаш ишлари унинг касбий фаолиятида муҳим ўрин эгаллади.

Ушбу лойиҳаларнинг ҳар бири ўз ҳудуди, ўз муаммоси ва ўз ечимини талаб қиларди. Бир жойда йўл ва транспорт тизими муҳим бўлса, бошқа ҳудудда ичимлик суви, ирригация ва канализация масаласи биринчи ўринга чиқарди. Яна бир жойда аҳоли учун уй-жой, мактаб ва боғчалар масаласи долзарб бўлса, бошқа ҳудудда экологик талаблар ва муҳандислик инфратузилмасини уйғунлаштириш зарурати пайдо бўларди. Шунинг учун архитектордан нафақат ижодкорлик, балки аниқ ҳисоб-китоб, сабр, масъулият ва турли соҳа мутахассислари билан ҳамжиҳат ишлаш қобилияти талаб этилади. Илдор Ҳасанов ҳам ана шу мактабдан ўтди.

Устозлардан мерос қолган касб маданияти

Ҳар бир яхши мутахассиснинг ортида уни шакллантирган устозлар туради. Илдор Ҳасановнинг касбий ҳаётида ҳам ўз мактабини яратган кўплаб таниқли архитекторлар ва мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Жумладан, Степан Палупанов, Собиқ иттифоқ минстирлар кенгаши давлат мукофоти совриндори Александр Якушев, Нина Фокина, Серго Сутягин, Рихард Блэз, Александр Зотов сингари соҳа вакиллари, шунингдек, институтда дарс берган профессорлар унга нафақат касб сирларини, балки мутахассисликка муносабатни ҳам ўргатдилар. Шу билан бир қаторда, бир неча йиллар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси бўлиб ишлаган. Ҳозирда Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси раиси Азамат Рамзетдинович Тохтаев каби малакали меъморлар билан елкама-елка туриб, ўз билими, бой тажрибаси ва касбий салоҳиятини юрт ободлиги, тараққиёти ва бунёдкорлигига сафарбар этди.

1982 йилда Москвадаги МАРХИ – Архитектура институтида малака ошириши эса унинг профессионал қарашларини янада бойитди. У ерда шаҳарсозлик соҳасининг таниқли профессори Савельев, В. Кубасов, П. Скокан ва Черепановдан сабоқ олди. Устоздан шогирдга ўтадиган энг катта мерос эса фақат билим эмас, бу – касбга бўлган муносабат ҳамдир. Вақт ўтиб, шогирднинг ўзи устозга айланганда бу ҳақиқат янада яққол намоён бўлади. Бугун Илдор Ҳасановнинг ёш мутахассисларга айтадиган гапларида ҳам ана шу устозлар сабоғининг давоми сезилади. Унинг фикрича, ҳақиқий усталикнинг замирида фақат истеъдод эмас, балки тинимсиз меҳнат ва сабр-тоқат ётади. Истеъдод инсонга йўл очиб берса, уни ҳақиқий уста даражасига олиб чиқадиган куч – йиллар давомидаги меҳнат, изланиш ва матонатдир. Шу боис у “1 фоиз истеъдодга 99 фоиз меҳнат ва сабр ҳамроҳ бўлса, шундагина ҳақиқий маҳорат шаклланади”, деган ҳаётий қарашга амал қилади.

Зилзила ва сел ортидаги инсон тақдири

Архитекторнинг касби баъзан оддий иш жараёнидан анча юқори масъулиятни талаб қилади. Айрим лойиҳалар оддий қурилиш учун эмас, балки оғир табиий офатлардан жабр кўрган инсонларнинг ҳаётини қайта тиклаш учун яратилади.

1995 йилда Арманистоннинг Спитак шаҳрида юз берган кучли зилзиладан кейин ёрдамга борган тошкентлик архитекторлар гуруҳи таркибида Илдор Ҳасанов ҳам бор эди. Зилзила шаҳарни вайрон қилган, одамларнинг уй-жойи, одатий ҳаёти барбод бўлган эди. Бундай вазиятда архитекторнинг вазифаси фақат янги биноларни чизиш эмас. У вайрон бўлган муҳит ўрнида инсонлар яна ҳаёт бошлай оладиган маконни тасаввур қилиши керак. Хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда Спитакни қайта тиклаш, вайрон бўлган уй-жойлар ўрнида янги бинолар барпо этиш лойиҳаларида иштирок этиш Илдор Акрамович учун ҳам касбий, ҳам инсоний жиҳатдан катта мактаб бўлди.

1998 йилда эса Фарғона вилоятининг Шоҳимардон ҳудудидаги сел оқибатларидан зарар кўрган аҳоли учун уй-жойлар ва ижтимоий-маиший объектларни лойиҳалашда иштирок этди. Бу воқеалар бир ҳақиқатни кўрсатади: архитектура баъзан қоғоздаги чизиқлардан бошланиб, инсоннинг уйига, маҳалласига, одатий ҳаётига қайтишига хизмат қилади.

Бир умрлик мактаб – “O‘zshaharsozlik LITI”

Илдор Ҳасановнинг меҳнат фаолияти “O‘zshaharsozlik LITI” ДМ билан узоқ йиллардан буён чамбарчас боғлиқ. Бу муассаса унинг учун шунчаки иш жойи эмас, унинг таъбири билан айтганда, бу – катта мактабдир.

Институтда турли даврларда ўз ишига сидқидилдан хизмат қилган, соҳа ривожига ҳисса қўшган афсонавий мутахассислар фаолият юритган. Уларнинг тажрибаси, меҳнат маданияти ва касбий анъаналари бугунги авлодга ҳам етиб келмоқда. Айниқса, Бош режалар бўлими таркибидаги 1-устахонанинг тарихи алоҳида эътиборга молик. 1964 йилда ташкил этилган ушбу устахона Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Андижон вилоятларининг қатор ҳудудлари бўйича шаҳарсозлик ишларини амалга ошириб келган. Нина Фокина раҳбарлигида Фарғона, Қўқон, Термиз ва Ширин шаҳарларининг бош режалари ишлаб чиқилган. У ерда турли йилларда Г. Батырева, Г. Кононова, А. Корчуганов, И. Жуковский, Н. Микота, Е. Каратеева, С. Жижимова, В. Юлина каби архитекторлар, муҳандислар ва иқтисодчилар меҳнат қилган.

Бугун эса ана шу касбий анъанани Илдор Ҳасанов давом эттириб келмоқда. Унинг раҳбарлигида Фарғона, Қўқон, Термиз, Денов, Марғилон, Қувасой, Ширин, Янгиўл, Олмазор, Шаҳрихон, Ғиждувон каби шаҳарларнинг бош режалари ва ҳудудларни батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилган.

2018 йилдан бошлаб эса Бош режалар бўлими, жумладан, 1-устахонада кичик эркин иқтисодий зоналарнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ишларига ҳам эътибор қаратилди. Бунда саноат корхоналарини оқилона жойлаштириш, логистика марказлари билан қулай алоқаларни таъминлаш каби масалалар назарда тутилди.

Буларнинг барчаси бир инсоннинг эмас, балки бир неча авлод архитекторлари ва мутахассисларининг жамоавий меҳнати натижасидир. Устахона раҳбари, олий тоифали архитектор Илдор Ҳасанов эса ана шу узлуксиз касбий занжирнинг бугунги вакилларидан бири сифатида ўз тажрибасини маҳоратли устоз сифатида ёшларга етказиб келмоқда.

“Ёшлар ўз устида тинмай ишлаши керак!”

Устознинг қадри унинг ёши билан эмас, ортидан эргашаётган шогирдларининг камолоти билан ҳам ўлчанади. Илдор Акрамович бугун ёшларга бир неча оддий, аммо мазмунли маслаҳатларни такрор-такрор айтишдан чарчамайди: китоб ўқиш, билимни ошириш, дунёқарашни кенгайтириш, хорижий тилларни ўрганиш, истеъдодни ривожлантириш шулар жумласидандир. Ва яна “Ёшлар ўз устида тинмай ишлаши керак!” дейди у. Бу гапда бугунги замон талаби ҳам, кўп йиллик ҳаётий тажриба ҳам мужассам. Чунки замонавий мутахассис учун дипломнинг ўзи етарли эмас. Бугунги архитектор технологияни, хорижий тажрибани, тилларни, замонавий ёндашувларни билиши, шу билан бирга, ўз халқининг тарихи, маданияти ва қадриятларини ҳам яхши англаши керак.

Илдор Ҳасанов ёшларга инсонлар ўртасидаги ҳурматни ҳам алоҳида қадрият сифатида тушунтиради. Унинг назарида ҳар қандай ишда одамлар ўртасидаги ҳурмат муҳим. Катталарга ҳурмат ёш мутахассисга тажриба беради, ёшларга ишонч эса жамоага куч қўшади. Бу қараш, айниқса, устоз-шогирд муносабатларида алоҳида ўрин тутади.

Устоз фақат билим бермайди. У ўзининг ишга муносабати, одамлар билан муомаласи, масъулияти ва ҳаётда тутган йўли билан ҳам шогирдга таъсир қилади. Шу маънода, Илдор Ҳасановнинг бугунги энг катта меҳнатларидан бири – ёшларга ўз касбий тажрибасини беришдир.

Меҳнатлар эътирофи – шогирдлар камолида

Илдор Акрамович Ҳасановнинг кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз шаҳарсозлиги ва архитектураси ривожига қўшган муносиб ҳиссаси муносиб эътироф этилган. Хусусан, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларининг тараққиёти, шаҳар ва аҳоли пунктларининг ободлиги ҳамда фаровонлиги йўлидаги хизматлари инобатга олиниб, вилоят ҳокимларининг қарорларига мувофиқ унга Термиз ва Фарғона шаҳарларининг “Фахрий фуқароси” унвони берилган. “Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланган.

Бироқ инсоннинг ҳақиқий қадри ва қолдирган меросини фақат мукофотлар билан ўлчаб бўлмайди. Айниқса, устознинг энг катта бойлиги – унинг касбий мактабидан баҳраманд бўлган, бугун турли мамлакатларда ўз соҳасининг етук мутахассиси сифатида фаолият юритаётган шогирдларидир. Илдор Ҳасановдан касб сирлари, шаҳарсозлик маданияти ва архитектурага бўлган мактабий қарашларини ўрганган шогирдлар сафида Калининград шаҳри бош архитектори Ли Игор, Чехияда фаолият юритаётган архитектор Елена Каратьева, Америка Қўшма Штатларида меҳнат қилаётган архитектор Елена Шатохина, “O‘zshaharsozlik LITI” бош режалар бошқармаси бошлиғи Мадалибек Мадалиев, архитекторлар Анвар Муҳамматов, Светлана Жижимова ва Илҳом Мақсудхўжаев каби мутахассислар бор.

Бугун уларнинг ҳар бири ўз йўналишида меҳнат қилиб, устоздан олган билим ва тажрибаларини амалиётда намоён этиш баробарида, бунёд этаётган лойиҳалар, шаҳарсозлик ечимлари ва касбий фаолияти орқали нафақат Ўзбекистон, балки хорижий мамлакатлар тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Зеро, ҳақиқий устознинг энг катта ютуғи – ўзи яратган иншоотлар эмас, балки ўзидан кейин унинг касбий анъаналари ва эзгу ғояларини давом эттирадиган шогирдлар мактабидир.

Устоз сабоғи – келажакка йўл

Бугун шаҳарларимиз йил сайин ўзгариб, янги уйлар, мактаблар, йўллар ва бошқа иншоотлар барпо этилмоқда. Шаҳарсозлик соҳасига замонавий технологиялар ва янги усуллар кириб келмоқда. Лекин техника ва технология қанчалик ривожланмасин, ишнинг ортида барибир инсон туради. Унинг билими, тажрибаси ва масъулияти муҳим аҳамият касб этади.

Илдор Ҳасанов учун “O‘zshaharsozlik LITI” ҳам ана шундай катта тажриба мактаби бўлди. У бу ерда кўплаб тажрибали устозлардан касб сирларини ўрганди. Энди эса ўзи орттирган билим ва тажрибани ёшларга етказиб келмоқда.

У институтнинг бой тарихини қадрлайди. Бу ерда кўплаб малакали мутахассислар меҳнат қилганини алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун бугунги ёш мутахассислар ҳам муассасанинг нуфузига муносиб бўлиши, ўз касбига виждонан ёндашиши керак, деб ҳисоблайди.

Унинг ҳаёт йўлига назар ташласак, болаликдаги расм чизишга бўлган қизиқиши, талабалик йиллари, устозларидан олган сабоқлари, турли шаҳарларни лойиҳалашдаги меҳнати ва бугун ёшларга бериб келаётган маслаҳатлари бир-бири билан узвий боғланганини кўрамиз.

Унинг ҳаётида оддий, аммо муҳим ҳақиқат бор: инсон ўз ишини чин дилдан бажарса, унинг меҳнати албатта, қадр топади.

Бундай инсонлар ўзлари ҳақида кўп гапирмаслиги мумкин. Аммо уларнинг меҳнати шаҳарлар қиёфасида, уйларда, мактаб ва боғчаларда, энг муҳими, улардан ўрганган шогирдларининг фаолиятида давом этади.

Илдор Акрамовичнинг кўп йиллик меҳнат йўли ҳам ана шу маънода ибратли. Унинг ҳаётида касбга садоқат, устозларга ҳурмат ва ёшларга ғамхўрлик бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Зеро, инсондан қоладиган энг яхши мерос – бу яхши ном, элга қилинган хизмат ва ўзидан кейинги авлодга берган билимидир.



Бинонинг умри пойдевордан, инсоннинг умри қолдирган изидан бошланади



Қурилиш майдонига кирсангиз, кўзга биринчи ташланадиган нарсалар оддий: ғишт, бетон, темир, кранлар, чизмалар ва иш билан банд одамлар. Аммо шу манзара ортида кўзга кўринмайдиган яна бир катта куч бор. Бу масъулиятдир. Чунки ҳар бир бино, ҳар бир иншоот аввал қоғозда туғилади. Унинг ортида аниқ ҳисоб-китоблар, қайта-қайта текширилган ҳужжатлар, тунги изланишлар ва “Ҳаммаси тўғрими?” деган саволлар туради. Қурилишда баъзан битта рақам миллионлаб маблағни англатиши, битта хато эса катта оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис бу соҳада йилларини ўтказган инсоннинг меҳнатини фақат қад ростлаган бинолар билан ўлчаб бўлмайди. Унинг энг катта меҳнати – ҳар бир ишга виждон ва масъулият билан ёндашишида. Маъруф Муслимов билан суҳбатлашар экансиз, ана шу жиҳатни дарҳол ҳис қиласиз.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қарийб ярим асрлик меҳнат йўли давомида у минглаб лойиҳалар, турли ҳисоб-китоблар ва мураккаб ҳужжатлар билан ишлади. Аммо бу йўлнинг энг қимматли натижаси қоғозларда эмас. Устозларидан олган билимларини шогирдларига бериб, ўзидан кейин давом этадиган мутахассислар авлодини тарбиялаганида. Зеро, ҳақиқий касб йўли фақат қурилган иншоотлар билан эмас, ундан кейин қоладиган из билан ўлчанади.

Бир оғиз сўз билан белгиланган тақдир

Маъруф Муслимов 1959 йил 16 сентябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигидан расм чизишга қизиқар, қоғоздаги чизиқлардан турли шакллар, бинолар, тасаввуридаги манзараларни яратишни яхши кўрарди. Балки ўша пайтларда у бу қизиқиш бир куни уни катта қурилишлар, йирик лойиҳалар ва минглаб мутахассислар билан боғлайди, деб ўйламаган бўлса ҳам керак. Аммо инсон тақдирида шундай лаҳзалар бўладики, бир оғиз гап бутун йўлни бошқа томонга буриб юборади.

1975 йилда оиласига яқин инсон, ўша даврда Тошкент политехника институти Архитектура факультети декани бўлган Ҳамза Убайдуллаев унга: “Архитектура факультетига киргин, мен ўзим сени зўр архитектор қиламан” дейди. Бу оддий маслаҳат эмас, балки ёш йигит учун белгиланган улкан ишонч эди. Маъруф Муслимов шу ишончни оқлашга ҳаракат қилди. 1976–1983 йилларда Тошкент политехника институтининг Архитектура факультетида таҳсил олди. Шундан кейин унинг ҳаётида чизмалардан ҳақиқий қурилиш майдонига ўтиш даври бошланди.

Институтни тамомлагач, Тошкент вилояти қишлоқ қурилиши республика трести 5-ПМК-да мастер бўлиб иш бошлади. Кейинчалик эса “Ўзагротеплица” республика трестида инженер ПТО, бош диспетчер, смета бўлими бошлиғи, металл конструкция бўлими бошлиғи, комплектация бўлими бошлиғи ва техник бўлим бошлиғи каби лавозимларда фаолият юритди. 2000–2002 йилларда Тошкент ҳокимияти Капитал қурилиш бош бошқармасининг қурилишни молиялаштириш бўлимида ишлади.

2011 йилдан 2024 йилгача эса Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМда смета бўлими бошлиғи бўлиб меҳнат қилди. Бугун эса шу даргоҳда бош мутахассис, Компетенцияни ривожлантириш институтида ўқитувчи сифатида фаолиятини давом эттирмоқда.

2025 йилда Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши фахрийси сифатида эътироф этилгани эса унинг кўп йиллик меҳнатининг натижасидир. Бироқ Маъруф Муслимов билан суҳбатлашганда, унвонлар ёки лавозимлардан кўра, у ўз касби ҳақида гапиргандаги муносабати эътиборни тортади. Унинг гапларида “мен қилдим” дегандан кўра, “биз ўргандик”, “биз ишладик”, “биз ўргатишимиз керак” деган фикрлар кўпроқ сезилади. Бу эса инсоннинг касбидан ташқари, касбга бўлган муносабатини ҳам кўрсатади.

Миллиардлар билан ўлчанган лойиҳалар ортидаги масъулият

Қурилиш соҳасида йиллар давомида ишлаган мутахассис учун ҳар бир объект ҳақида ўз хотираси бўлади. Кимдир қурган биноси билан, кимдир биринчи устози билан, яна кимдир оғир кечган лойиҳаси билан эслайди. Маъруф Муслимовнинг касбий хотиралари эса юзлаб, минглаб лойиҳалар билан боғлиқ.

У бош мутахассис сифатида экспертизадан ўтказган йирик лойиҳалар орасида “Навоийазот” АЖ ҳудудида Японияннинг “Митсубиши” компанияси томонидан лойиҳалаштирилган, қиймати 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш мажмуалари қурилиши лойиҳаси алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, “Навоийазот” ҳудудида ПВХ ишлаб чиқариш мажмуалари қурилиши, Пском дарёсидаги қиймати 9 триллион сўм бўлган “Пском” ГЭСи қурилиши ТИАси каби йирик лойиҳалар ҳам унинг касбий фаолияти билан боғлиқ.

Шунингдек, Президент Администрацияси қурилиш дирекцияси объектларининг қарийб 80 фоизи, жумладан, Қорасув, Қайнарсой қароргоҳлари, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги музей, Самарқанддаги мажмуа, Ислом Каримов номидаги аэропорт, Сенат биноси ва бошқа қатор объектлар лойиҳалари экспертизасида ҳам унинг меҳнати бор.

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш қўмитаси объектлари, “Ўзбекнефтгаз” АЖга қарашли объектларнинг қарийб 80 фоизи, “Ўзкимёсаноат”, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатларига тегишли ўнлаб лойиҳалар, Ўзбекистон шаҳарларининг бош режалари, “Ўзавтосаноат” АЖга қарашли “Дамас” автомобили ишлаб чиқариш заводи лойиҳаси ҳам ана шу узоқ йиллик меҳнат йўлининг бир қисмидир.

Устоздан олинган сабоқ шогирдда давом этади

Ҳар бир инсоннинг касбий йўлида унинг қарашларини ўзгартирган, қийин пайтда йўл кўрсатган устозлар бўлади. Маъруф Муслимов ҳам ўз устозларини алоҳида эҳтиром билан тилга олади.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ўринбосари Муҳамаджон Шодиев, Экспертиза бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Қамбаров, бош мутахассис Уркат Галустян, сметачи-эксперт Ким Любовь каби мутахассислар унга касбий фаолиятида кўп маслаҳат ва амалий ёрдам берган. Айниқса, норматив ҳужжатлар билан ишлаш, ҳукумат қарорларига тўғри ёндашиш, смета ишларининг нозик жиҳатларини англашда уларнинг сабоқлари муҳим бўлган.

Энг муҳими, улар фақат “қандай ишлаш”ни эмас, “ишга қандай муносабатда бўлиш”ни ҳам ўргатишган. Балки шунинг учун ҳам Маъруф Муслимов бугун устозлик ҳақида гапирар экан, ўз устозларини ёдга олади. Унинг ўзи эса йиллар давомида бу занжирни узмасликка ҳаракат қилди.

– Компетенцияни ривожлантириш институти очилганида у ерга, аввало, “Пули керак эмас, ёшларга билимимни ўргатсам бўлди” деган фикр билан бордим, – деди қаҳрамонимиз биз билан суҳбатда.

Бу гапни айтиш осон. Аммо уни амалда бажариш учун сабр, вақт ва энг муҳими, ўз билимини бошқалар билан бўлишишга тайёр КАТТА қалб керак. Унинг фикрича, соҳада тажрибали мутахассисларнинг айримлари “билимимни ўргатсам, кейин ўзимга эҳтиёж қолмайди”, деган қарашда бўлиши мумкин. Аммо Маъруф Муслимов бундай фикрда эмас. “Бизлар ўргатмасак, ким ўргатади?” деган савол унинг устозлик фаолиятининг моҳиятини ифодалайди.

– Компетенцияни ривоожлантириш институтининг ташкил этилгани мен учун катта қувончли воқеа бўлди, – деди Маъруф Муслимов. – Чунки бу ерда йиллар давомида орттирган билим ва тажрибамни ёш мутахассислар билан баҳам кўриш имконияти яратилди. Бугунга қадар 1000 дан ортиқ мутахассисга ўз билганларимни ўргатдим. Энг қувонарлиси, уларнинг бу билимлардан мамнун бўлиб, ўз касбида фойдаланаётганини кўриш мен учун катта бахт. Мен доим бир нарсага ишониб келаман: яхши мутахассис бўлишнинг ўзи инсонни яхши инсонга айлантирмайди. Худди шунингдек, яхши инсон бўлиш ҳам ҳар доим етук мутахассис бўлиш учун кифоя эмас. Шунинг учун ҳақиқий устоз шогирдига фақат касб сирларини эмас, инсонлик сабоқларини ҳам ўргатиши керак. Билим ва тарбия уйғунлашгандагина шогирд ўз соҳасини яхши биладиган эмас, балки комил инсон бўлиб етишади.

Бугунги кунда “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМда фаолият юритаётган смета-экспертларнинг қарийб 99 фоизи Маъруф Муслимовнинг шогирдлари экани ҳам унинг устоз сифатидаги кўп йиллик меҳнати самарасини кўрсатиб турибди. Унинг қўлида касб сирларини ўрганган шогирдлар бугун соҳанинг турли ҳудудларида масъулиятли лавозимларда фаолият юритмоқда. Жумладан, Ғиёс Камбаров Марказнинг Тошкент вилояти филиалига, Мансур Отажонов Сирдарё вилояти филиалига, Нурбек Нуралиев эса Сурхондарё вилояти филиалига раҳбарлик қилмоқда.

Қурилиш ўзгаряпти, билимга бўлган эҳтиёж эса ортмоқда

Бугун қурилиш соҳасида ўзгаришлар жуда катта. Янги технологиялар кириб келмоқда, янги материаллар ва замонавий ечимлар пайдо бўлмоқда. Бу жараён Маъруф Муслимовнинг ўзида ҳам ижобий таассурот уйғотади. Аммо ҳар қандай янги технология ўз вақтида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан уйғунлашмаса, уни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш қийинлашади.

Мутахассисни ўйлантираётган масалалардан бири ҳам шу – ШНҚларнинг кўпчилиги эскиргани, уларни замонавий талаблар асосида янгилаш жараёни эса секин кечаётганидир. Яна бир муаммо кадрлар билан боғлиқ. Унинг таъкидлашича, бугун қурилиш соҳасида 10 мингдан ортиқ пудрат ташкилоти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг ярмидан кўпроғида ишлаб чиқариш ва техника бўлими мутахассислари йўқ ёки уларнинг билим даражаси етарли эмас.

Бунга яна бир муҳим масала – ёшларнинг ўз устида етарлича ишламаслиги қўшилади. Маъруф Муслимовнинг фикрича, олийгоҳда олинган билим – охирги манзил эмас, балки касбий йўлнинг бошланишидир. Айниқса, смета соҳасида ишламоқчи бўлган ёш мутахассис қурилиш жараёнини ўз кўзи билан кўриши, майдонга чиқиши, жараёнда иштирок этиши, меъёрий ҳужжатларни кўп ўқиши ва энг муҳими, савол беришдан уялмаслиги керак. Бу ўринда Навоий ҳазратларининг ққйидаги ҳикмати ёдга тушади:

“Билмаганин сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим”.

Қарийб олти аср аввал айтилган бу сўз бугун ҳам касб эгалари учун ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки билмаганини сўрамаслик – баъзан оддий хатога эмас, катта зарарга олиб келиши мумкин. Қурилишда эса бу зарар фақат бир кишининг эмас, ишхона, бюджет ва жамиятнинг манфаатларига таъсир қилиши эҳтимол. Шунинг учун Маъруф Муслимов ёшларга бир вақтнинг ўзида ҳам китобни, ҳам қурилиш майдонини кўришни тавсия қилади. Зеро, ошни қандай дамлашни китобдан ўқиб олиш мумкин. Аммо унинг таъмини билиш учун қозон бошида туриш керак. Касб ҳам худди шундай.

– Менинг ишдаги шиорим – бундан 300 йил аввал Пётр Биринчи айтган бир фикр: “Барча лойиҳалар пухта амалга оширилиши шарт: токи хазина совурилмасин ва Ватанга зарар етказилмасин. Кимки лойиҳани шошма-шошарлик билан, пала-партиш бажарса, унвонидан маҳрум этаман ва қамчи билан савалашни буюраман”. Албатта, бугун замон ҳам, талаблар ҳам ўзгарган. Аммо бу фикрдаги асосий маъно – ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш, халқ маблағини асраш ва Ватан манфаатини устувор қўйиш – ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Менимча, бу нафақат менинг, балки қурилиш соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир инсоннинг ҳаёт ва меҳнат шиори бўлиши керак. Чунки биз қураётган ҳар бир иншоотда нафақат меҳнатимиз, балки халқнинг ишончи ва Ватаннинг эртанги куни мужассам. – дейди суҳбатдошимиз сўзларини якунлар экан.

Энг мустаҳкам иншоот – инсон қалбида қад ростлаган билимдир...

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни. Бу кунда устозларга гул берилади, эзгу тилаклар айтилади. Аммо айрим устозларнинг меҳнатини бир даста гул билан ўлчаб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳақиқий мероси шогирдларида давом этади.

Маъруф Муслимовнинг қарийб ярим асрлик меҳнат йўли ҳам ана шундай из қолдирган устозлик мактабидир. Бугун унинг шогирдлари турли масъулиятли лавозимларда меҳнат қилмоқда, эртага эса улар ўз билимларини кейинги авлодга етказади.

Шу маънода, устознинг энг катта ютуғи ўзи қурган иншоотлар эмас, балки ўзидан кейин давом этадиган инсонлардир. Зеро, бинонинг пойдевори унинг мустаҳкамлигини белгиласа, устознинг пойдевори берган билими ва тарбиясидир.

Ҳаётимизда нимаики ўрганган бўлсак, бунда бизга доимо устозларнинг ёрдами, талабчанлиги, тажриба ва маҳорати, қолаверса, меҳр-муҳаббати ҳам сабаб бўлган. Фидойи устозлар минглаб талабага сабоқ бериш орқали нафақат олий маълумот беришади, балки бир касбни эгаллаб, мустақил ҳаётга тайёр бўлишига ҳам кўмак беришади.

Ана шундай малакли устозлардан бири – Мукаммал Комиловадир.

Шарафли йўл соҳибаси



Аброр НИЯТОВ,
СДТУ матбуот хизмати мутахассиси, магистрант.

Унинг илмий ва педагогик фаолияти иқтисодиёт соҳасига бўлган юксак қизиқиш, тинимсиз изланиш ва доимий ўз устида ишлаш билан чамбарчас боғлиқ. Таълим соҳасидаги кўп йиллик тажрибаси эса касбий ва илмий ривожланишида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Орттирилган тажриба давомида у талабаларга билим бериш билан бир қаторда, замонавий таълим ёндашувларини ўрганиш, ўз малакасини мунтазам ошириш ҳамда долзарб илмий изланишлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

М. Комилова 2020 йилдан буён Самарқанд давлат техника университетида илмий-педагогик фаолиятини муваффақиятли давом эттирмоқда. Университетдаги фаолияти давомида у таълим, илм-фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлиги етук мутахассис тайёрлашнинг энг муҳим омилларидан бири эканини янада чуқур англаб етди. Унинг учун университет нафақат билим берадиган маскан, балки янги ғоялар, илмий изланишлар ва келажак мутахассисларини шакллантирадиган муҳим муҳит ҳисобланади.

2023 йилдан бошлаб устоз университетнинг Иқтисодиёт кафедраси мудири сифатида фаолият юритмоқда. Кафедра раҳбари сифатида у таълим сифатини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва педагогик салоҳиятини ривожлантириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда талабаларни илмий изланишларга кенгроқ жалб этишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билади.

Олиманинг илмий изланишлари асосан, банк-молия тизими ва унинг иқтисодиётдаги ўрни билан боғлиқ. У 2026 йилда “Тижорат банкларида депозит сиёсатини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Тадқиқот давомида тижорат банкларининг депозит сиёсати, аҳоли маблағларини банк тизимига жалб этиш ва депозит ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари чуқур ўрганилди. Ушбу илмий изланишлар иқтисодий жараёнларни янада кенгроқ таҳлил қилиш ва илмий натижаларни амалиёт билан боғлаш борасида катта тажриба мактаби вазифасини ўтади.

2026 йилда М. Комилованинг доцент илмий унвонига сазовор бўлиши унинг илмий-педагогик фаолиятидаги яна бир муҳим ютуқ ва янги босқич бўлди. Ушбу муваффақиятни кўп йиллик меҳнат ва изланишлар натижаси, шу билан бирга, келгусида янада катта масъулият билан фаолият олиб боришга ундайдиган омил сифатида баҳолаш мумкин. Олима бундан кейин ҳам илмий изланишларини изчил давом эттириб, иқтисодиёт ва банк-молия тизимининг долзарб масалаларини ўрганиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этишга интилади.

Бугунги кунда олий таълимни замонавий ва халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш устувор вазифага айланган. Кафедра фаолиятида ҳам фан дастурларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, илғор хорижий тажрибаларни ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳамда талабаларнинг халқаро таълим муҳитида рақобатбардош бўла оладиган билим ва кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Устоз сифатида Мукаммал Комилова учун талабалар билан ишлаш алоҳида аҳамиятга эга. У келажак мутахассисларини нафақат тайёр билимларни ўзлаштиришга, балки мустақил фикрлашга, иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишга ва илмий изланишлар олиб боришга йўналтиришни муҳим деб ҳисоблайди. Ҳар бир талабанинг ўз салоҳиятини намоён этиши ва касбий йўлини топишига кўмаклашиш унинг асосий мақсадларидан биридир. Шунингдек, у ёш ўқитувчи ва тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажриба алмашиши учун имкониятлар яратишга интилади. Чунки олий таълим ва илм-фаннинг келажаги айнан шундай изланувчан ёш кадрларга боғлиқдир.

Устознинг таъкидлашича, илм-фанда эришилган ҳар бир натижа янги изланишларнинг бошланишидир. Унинг 2005 йилдан бошланган педагогик фаолияти, Самарқанд давлат техника университетидаги сермаҳсул меҳнати, кафедра мудири сифатидаги раҳбарлик масъулияти ҳамда орттирган илмий даража ва унвонлари мана шу машаққатли ва шарафли йўлнинг муҳим босқичлари ҳисобланади. Келгусида ҳам у иқтисодиёт фанининг ривожига муносиб ҳисса қўшиш ва жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш йўлида хизмат қилишни мақсад қилган.

Янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди



Юрт тараққиёти, аввало, таълим ва тарбияга бўлган эътибордан бошланади. Шу боис бугун ҳудудларда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчилар учун муносиб шарт-шароитлар яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 8-сонли умумий ўрта таълим мактабида амалга оширилган ишлар ҳам ана шу эзгу мақсаднинг амалий ифодаси бўлди. Мактабда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ҳамкорлигида, Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармасининг молиявий кўмаги асосида амалга оширилаётган “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

“Музаффар Шаҳрибону пойдевори” МЧЖ томонидан 3 миллиард 400 миллион сўм маблағ эвазига 240 ўринли қўшимча ўқув биноси барпо этилди. Шу билан бирга, мактабнинг мавжуд биносида ҳам жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Янги ўқув биносининг очилиш маросимида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ёш авлодга яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритилди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Абдували Бўриев.

Таъкидланганидек, қишлоқ жойларда замонавий таълим инфратузилмасини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Янги ўқув бинолари, таъмирланган синф хоналари ва қулай таълим муҳити ёшларнинг сифатли билим олиши учун мустаҳкам замин яратади.

Шаҳарга меъмор, келажакка устоз керак

Шаҳарлар ҳам инсон тақдирига ўхшайди. Уларнинг ҳам ўз тарихи, хотираси, қиёфаси ва эртаси бор. Айрим бинолар йиллар ўтиб эскиради, баъзи иншоотлар ўз вазифасини бажариб бўлади. Аммо шаҳарсозликка ҳалол меҳнат, билим ва юксак масъулият билан қўшилган ҳисса вақт ўтгани сайин янада қадрли бўлиб боради.

Алишер ОҚИЛОВ,
Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ахборот хизмати мутахассиси.



Жиззахнинг бугунги қиёфасида ана шундай меҳнат эгаларининг изи бор. Улар орасида архитектура соҳасида қарийб қирқ йиллик тажрибага эга, умрини шаҳарсозлик, меъморчилик ва ёш мутахассислар тарбиясига бағишлаб келаётган Эргаш Кулдашевнинг ўзига хос ўрни бор.

Эргаш Кулдашев 1963 йил 17 апрелда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида таваллуд топган. 1985 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг Архитектура факультетини тамомлаб, меҳнат фаолиятини ўз мутахассислиги бўйича бошлади. Унинг касбий йўли оддий мутахассисликдан бошланиб, шаҳар бош архитектори, вилоят миқёсидаги соҳавий бошқарма раҳбари ва бугунги кунда кафедра мудиригача бўлган босқичларни қамраб олди.

Бу йўлда у архитектурани фақат чизма ва лойиҳалар йиғиндиси сифатида эмас, балки инсон ҳаёти, шаҳар муҳити ва жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ соҳа сифатида қабул қилди. 1990 йилдан Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси аъзоси бўлган мутахассис меҳнат фаолияти давомида Жиззах шаҳри ва вилоятининг меъморий қиёфасини шакллантиришга қаратилган кўплаб ишларни амалга оширди.

Жиззах шаҳри бош архитектори сифатида у шаҳар бош режасининг 1993 ва 2010 йилларда қайта ишланиш жараёнларида фаол иштирок этди. “Маҳалла ва ёшлар маркази”, Олимпия захиралари мажмуаси, “Сўғдиёна” ўйингоҳи, Мустақиллик ва Алишер Навоий кўчаларини кенгайтириш ҳамда ободонлаштириш, темирйўл вокзали ва унга туташ ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш, “Ўрда” истироҳат боғини қайта қуриш каби лойиҳаларда унинг билим ва тажрибаси мужассам бўлди.

Шаҳарнинг айрим кўчалари, майдонлари ёки иншоотларига қараб, уларнинг ортида қанча инсоннинг меҳнати турганини ҳар доим ҳам ҳис қилавермаймиз. Аммо меъмор учун ҳар бир чизиқ, ҳар бир масофа ва ҳар бир бино ортида одамлар ҳаёти бор. Шу маънода, Эргаш Кулдашевнинг меҳнат фаолиятини Жиззахнинг шаҳарсозлик тарихи билан уйғун ҳолда тасаввур қилиш мумкин.

Вилоят миқёсидаги раҳбарлик фаолияти даврида ҳам бу масъулият янада кенгайди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, шаҳар ва туман марказларининг бош режалари ҳамда саноат ҳудудлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия мажмуалари, Зомин тумани марказининг бош режасини ишлаб чиқиш каби кўплаб ишлар унинг касбий фаолияти билан боғлиқ. Айниқса, 2010–2020 йиллар давомида Зомин тумани марказининг бош режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, вилоятдаги туман марказларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини тайёрлаш каби вазифалар архитектура соҳасида кенг тажриба ва катта масъулият талаб этарди.

Меҳнатларининг қадри эса эътирофсиз қолмади. У “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги”, “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги”, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги” эсдалик нишонлари, Жиззах вилояти ҳокимининг фахрий ёрлиқлари, “Меҳр-саховат” кўкрак нишони ва МДҲ миқёсидаги танловнинг “Фаол тадқиқотчи” кўкрак нишони билан тақдирланган. Аммо инсон меҳнатининг энг катта мукофоти баъзан медал ёки диплом билан белгиланмайди. Унинг энг катта эътирофи – йиллар ўтиб ҳам одамлар хотирасида қоладиган ишлари ва етиштирган шогирдларидир.

Меъморликдан устозликкача бўлган йўл

2022 йилдан бери Эргаш Кулдашев Жиззах политехника институтининг Архитектуравий лойиҳалаш кафедрасида фаолият юритиб келяпти. 2024 йилдан эса кафедра мудири сифатида жамоага раҳбарлик қилмоқда. Унинг ҳаётида бу даврни янги бир босқич деб аташ мумкин. Чунки энди унинг олдида битта шаҳар ёки муайян лойиҳа эмас, балки келажак меъморларини тайёрлашдек улкан вазифа турибди. Кечаги шаҳарсоз бугун ёшларнинг қўлига қалам тутқазиб, йиллар давомида ўзи чизган бош режалар, шакллантирган шаҳар қиёфаси ва амалга оширган лойиҳаларини шогирдлари учун амалий сабоққа айлантирмоқда.

Кафедрадаги фаолияти давомида компьютер графикаси, AutoCAD, 3D Max, BIM дастурларини ўргатиш, макетлаш тўгаракларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратган. Бу эса бугунги архитектор учун назарий билимнинг ўзи етарли эмаслигини, замонавий технологияларни эгаллаш ҳам касбий маҳоратининг ажралмас қисмига айланганини кўрсатади.

Эргаш Кулдашевнинг устоз сифатидаги фаолияти натижаларини шогирдлари эришаётган ютуқларда ҳам кўриш мумкин. У раҳбарлик қилган талабалар ва магистрантлар халқаро фестивалларда бир қатор совринли ўринларни қўлга киритган. 2024 йилда Бухорода ўтказилган халқаро фестивалда магистрант Б. Маматов билан “Муайян ҳудуднинг энг яхши ландшафт ва шаҳарсозлик ечими лойиҳаси” номинациясида I даражали дипломга сазовор бўлган бўлса, шу йил “Янги Ўзбекистон – илм қалдирғочлари” халқаро фестивалида талабаси Р. Абдурасулова билан “Энг яхши битирув малакавий лойиҳаси” номинациясида III даражали дипломни қўлга киритди. 2025 йилда эса магистри Б. Маматов билан “Яшил архитектура ва ландшафт дизайни соҳасидаги энг яхши инновацион лойиҳа” номинациясида I даражали дипломга эга бўлди. 2026 йилги “Янги Ўзбекистон – илм қалдирғочлари” V халқаро фестивалида ҳам бу анъана давом этди. Магистр Б. Йўллиев билан яшил архитектура ва ландшафт дизайни соҳасидаги инновацион лойиҳа номинациясида I даражали диплом, талабалар С. Чаққонова ва О. Аликулова билан амалий санъат йўналишида III даражали дипломлар қўлга киритилди.

Бир қарашда бу рақамлар ва дипломлар оддий статистикадек туюлиши мумкин. Аслида эса уларнинг ҳар бирида устознинг вақти, маслаҳати, талабчанлиги ва ишончи бор. Зеро, шогирднинг ютуғи кўпинча устознинг кўзга кўринмайдиган меҳнати билан бошланади.

Э. Кулдашевнинг илмий фаолияти ҳам шу жараён билан уйғун кечмоқда. Унинг 40 дан ортиқ илмий мақолалари халқаро конференцияларда, 7 та мақоласи ОАК журналларида, 4 та илмий мақоласи Scopus нашрларида чоп этилган. 2024 йилдан Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетининг мустақил изланувчиси сифатида “Жиззах шаҳри замонавий архитектурасининг ривожланиш концепцияси” мавзусида илмий тадқиқот олиб бориб. Диссертацияни 2027 йил якунига қадар ҳимоя қилиш режалаштирилган.

Шу ўринда бир жиҳат эътиборни тортади: у фақат аудиторияда дарс беribгина қолмаяпти. Илмий билимни амалиёт билан боғлашга ҳаракат қиляпти. Жиззах шаҳри транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош режасини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳада иштирок этгани, “Маданият” маҳалласида реновация дастури концепциясини ишлаб чиқиш жараёнида қатнашгани, Туркиянинг “ND İmar İnşaat Ticaret” лойиҳа бюроси билан ҳамкорликда Жиззах шаҳри марказининг мастер режасини ишлаб чиқишда иштирок этгани шундан далолат беради.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти Чўбонок қишлоғидаги XIX асрга тегишли зиёратгоҳни реставрациялаш лойиҳасида кафедра профессор-ўқитувчилари билан биргаликда иш олиб борилаётгани ҳам мутахассиснинг фаолияти ҳудудий чегаралар билан чекланиб қолмаётганини кўрсатади.

Бугун олинган билим – эртанги шаҳарсозлик гаровидир

Бугун архитектура соҳаси олдида турган вазифалар кечагидан анча фарқ қилади. Энди шаҳар қуришнинг ўзи кифоя эмас. У инсон учун қулай, экологик жиҳатдан барқарор, эстетик ва замонавий технологияларга мос бўлиши керак. Бу эса архитектордан нафақат чиройли бино лойиҳалашни, балки бутун бир ҳудуд тақдирини олдиндан кўра билишни талаб этади.

Эргаш Кулдашевнинг бугунги фаолиятида ана шу ёндашувни кўриш мумкин. Кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабалар билан институтнинг келажакдаги бош режасини ишлаб чиқиш, 1000 ўринли ўқув биносининг лойиҳа концепцияси ва ишчи лойиҳасини тайёрлашда иштирок этиш, “Ёшлар технопарки”, “Муқобил энергияларни тадқиқ этиш илмий-амалий маркази”, 3- ва 4-сон талабалар турар жойларининг лойиҳалаштирилиши ва қурилишида қатнашиш каби ишлар назарий билимнинг амалиётдаги ифодасидир.

Аслида, меъмор қурган бино билан эмас, балки вақт ўтиб ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайдиган муҳит билан ўлчанади. Устознинг ҳақиқий мероси эса фақат ўзи яратган лойиҳаларда эмас, балки у тарбиялаган шогирдларнинг ишларида намоён бўлади.

Эргаш Кулдашевнинг қарийб қирқ йиллик касбий йўлига назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқат яққол кўринади: инсон ўз касбига садоқат билан ёндашса, йиллар ўтиши билан унинг меҳнати бир шаҳар, бир жамоа ва ҳатто бир авлод тақдирида ўз аксини топади.

Кеча у Жиззахнинг қиёфасини шакллантиришда иштирок этган бўлса, бугун унинг олдида янада катта вазифа – шу шаҳар ва юртнинг эртанги меъморларини тайёрлаш вазифаси турибди. Чунки ҳар бир янги бинонинг пойдевори ерга қўйилса, келажак меъморининг пойдевори устоз қўлида шаклланади. Шу маънода, Эргаш Кулдашевнинг бугунги меҳнати фақат архитектура кафедрасидаги оддий бир фаолият эмас. Бу кеча орттирилган тажрибани эртанги авлодга етказиш, шаҳарсозлик анъаналарини замонавий қарашлар билан бойитиш ва Жиззахнинг келажак қиёфасига бугундан ҳисса қўшиш йўлидир.

Атрофимизда ўз касбини севиб, бутун умрини устозлик каби муқаддас вазифага бағишлаган фидойи инсонлар талайгина. Ана шундай фидойи мутахассислардан бири – Тошкент архитектура-қурилиш университети муҳандислик кафедраси доценти Нигора Алимовадир. У ўзининг 37 йиллик меҳнат фаолияти давомида таълим ва илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшиб, кўплаб ёшларнинг касбий шаклланишида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Ҳаёт мазмуни



Севинч НОРБОБОЕВА,
ЎзЖОКУ талабаси.

Нигора Алимова 1965 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Болалигида шифокор бўлишни орзу қилган бўлса-да, юқори синфга ўтгач ўқитувчиси Малика Иноғомованинг дарслари унда педагогика соҳасига нисбатан қизиқиш уйғотади. Устозининг қизиқарли машғулотлари туфайли ёш Нигора ўқитувчилик касбига меҳр қўйди ва келажакдаги касб танлови шаклланди.

1982 йилда мактабни муваффақиятли тамомлагач, Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кириб, 1988 йилда олий таълимни муваффақиятли якунлади ва Тошкент архитектура-қурилиш университетининг ўзбек тили кафедрасида ассистент сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Кейинчалик аспирантурада таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий изланишларини педагогик фаолият билан уйғунлаштириб, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратди, илмий мақолаларини нуфузли нашрларда чоп эттирди.

Нигора опанинг фаолияти фақат аудитория билан чегараланиб қолмаган. У университетда ўтказиладиган тил байрамлари, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган маънавий-маърифий тадбирларда талабаларни фаол иштирок этишга ундади. Иншолар ва китобхонлик танловларида ҳам ёшларнинг билимини муносиб баҳолаб, уларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаб келди.

Унинг касбий фаолиятида устоз-шогирд анъанаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Йиллар давомида таълим берган ёшлар орасидан қурилиш, архитектура ва кадастр соҳаларида фаолият юритаётган кўплаб мутахассислар етишиб чиққан. Бугун уларнинг айримлари коллеж директори, университет декани, кадастр тизимида бўлим бошлиғи каби масъул лавозимларда меҳнат қилмоқда. Кечаги талабанинг бугун етук мутахассис сифатида ўз устозининг олдидан чиқиши, айниқса, ректорлик каби юқори лавозимга эришган шогирдининг ўзи таҳсил олган университетга раҳбар сифатида қайтиши Нигора Алимова учун катта фахрдир.

Устознинг фикрича, таълим ва тарбия бир-биридан ажралмас тушунчалардир. Билимли мутахассисни вояга етказиш билан бирга, унинг инсоний фазилатларини шакллантириш ҳам муҳим. Шу сабабли у талабаларга нафақат фан сирларини, балки масъулият, меҳнатсеварлик ва келажакка ишонч билан қарашни ҳам ўргатишга интилади.

Бугунги кунда архитектура ва қурилиш соҳаси замонавий технологиялар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Аввалларі қоғозда бажарилган чизмалар ва лойиҳалар ҳозирда компьютер дастурлари ёрдамида амалга оширилмоқда. Университетнинг хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлиги эса талабаларга халқаро тажрибани ўрганиш имконини бермоқда. Ёшлар хорижда малака ошириб, амалиёт ўташ ва янги технологияларни ўзлаштириш орқали олган билимларини кейинчалик ўз фаолиятларида қўлламоқда.

Нигора опа таълим соҳасидаги янгиликларни ҳам доимо кузатиб борди. Рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва HEMIS тизимининг таълим жараёнига кириб келиши замонавий педагогдан ҳам янгиликка интилишни талаб қилмоқда. У ҳам ўз фаолиятида замон билан ҳамнафас бўлиб, янги таълим технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугун архитектура соҳасини танлаётган ёшларга унинг тавсияси аниқ: касбга қизиқишни имкон қадар эрта бошлаш, чизмачилик ва тасвирий санъат тўгаракларида фаол қатнашиш, ўз устида мунтазам ишлаш. Чунки пухта тайёргарлик ижодий имтиҳонларда ҳам, келажакдаги касбий фаолиятда ҳам муҳим пойдевор бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, Нигора Алимованинг ҳаёт йўли – танланган касбга садоқат, илмга интилиш ва шогирдлар келажагига бефарқ бўлмасликнинг ёрқин намунасидир. У учун устозлик фақат касб эмас, балки катта масъулият ва ҳаёт мазмунидир. Йиллар давомида етиштирган шогирдларининг ютуқлари эса унинг меҳнатлари самарасини намоён этади.



Фидойи олим ва раҳбар

Илм-фан ва таълим инсон ҳаётида доимий изланиш, ўз устида ишлаш ва тинимсиз янгиликка интилишни талаб этади. Бугунги рақамли асрда ушбу талаб янада жадаллашган. Ўз фаолиятини ахборот технологиялари, математик моделлаштириш ва замонавий таълим тизимини ривожлантиришга бағишлаб келаётган олимлардан бири – Масъуджон Эшмуродовдир.

Аброр НИЯТОВ,
СДТУ матбуот хизмати мутахассиси, магистрант.



Унинг босиб ўтган йўли тизимли билим, илмий изланиш ва халқаро тажрибаларнинг муваффақиятли синтезига ёрқин мисол бўла олади.

Билим ва илмий изланишлар босқичи

Масъуджон Эшмуродов дастлаб 2004–2008 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида “Информатика ва ахборот технологиялари” таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олди. Билимга бўлган иштиёқ уни олий таълимнинг кейинги босқичига етаклади ва 2012–2014 йилларда Самарқанд давлат университетида “Амалий математика ва ахборот технологиялари” мутахассислиги бўйича магистратурани муваффақиятли тамомлади.

Педагогик фаолиятини 2014 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетининг Ахборот технологиялари кафедрасида бошлаган ёш олим, назарий билимларни амалиёт билан боғлаган ҳолда талабаларга сабоқ бериб келди. Унинг илмий изланишларининг асосий марказида – математик моделлаштириш, сонли усуллар ва дастурий таъминот масалалари туради. Узоқ йиллик меҳнатлари маҳсули ўлароқ, у 2024 йилда “Мураккаб иссиқлик алмашинуви масалалари учун дифференциал-айрималар усулининг модификациялари” мавзусидаги PhD диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олди. Ушбу босқич унинг фаолиятида янги тадқиқотлар ва йирик амалий лойиҳалар учун мустаҳкам замин яратди.

Халқаро тажриба ва касбий эътироф

Касбий ривожланишда халқаро тажриба алмашинувига муҳим аҳамият қаратадиган М. Эшмуродов қисқа фурсат ичида нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида стажировка ўташга муваффақ бўлди. Хусусан, 2023 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Йилдиз техника университетида, 2024 йилда эса Қозоғистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университетида малака ошириш жараёнларида иштирок этди. Ушбу халқаро тажрибалар унга хорижий ОТМларнинг замонавий ёндашувларини ўрганиш, илғор таълим методикаларини ўзлаштириш ва касбий кўникмаларини бойитиш имконини берди.

Олимнинг илмий ва педагогик фаолиятидаги юксак эътирофлардан бири – доцент илмий унвонига сазовор бўлганидир. Бу унвон нафақат эришилган ютуқ, балки келгусидаги илмий марралар сари янада катта масъулият билан ёндашиш зарурлигини англатади.

Замонавий раҳбар ва келажак режалари

Бугунги кунда Масъуджон Эшмуродов Самарқанд давлат техника университетида “Иқтисодиёт ва бошқарув” факультети декани в.б. сифатида фаолият юритмоқда.

У ўзининг раҳбарлик фаолиятида таълим сифатини тубдан ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш ҳамда талабаларни замонавий инновацион лойиҳаларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Айниқса, рақамли давр талабларидан келиб чиқиб, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларини таълим ва илмий тадқиқотларга самарали интеграция қилиш унинг бошқарув стратегиясининг асосий устувор йўналишларидан биридир.

М. Эшмуродов учун илм-фан – бу шунчаки илмий даража ёки унвон эмас. У илм-фанни доимий изланиш, янгилик яратиш ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш йўли деб билади. Ёш авлодга замонавий билимлар бериш, уларни илмий изланишларга руҳлантириш ва халқаро миқёсдаги рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш фидойи олим ва раҳбар фаолиятининг энг олий мақсадидир.

1949

“QISHLOQQURILISHLOYIHA”
bosh loyiha instituti

Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида меҳнат қилаётган азиз устозлар, қадрли мураббийлар!

Сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этамиз!




Ёш авлодга таълим ва тарбия беришдек шарафли вазифадаги фидойилигингиз ҳар қанча эътирофга муносиб.
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва касбий фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!

O‘ZSHAHARSOZLIK
LOYIHA ILMIY TADQIQOT INSTITUTI
1928



Барча юртдошларимизга
1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни
муборак бўлсин!

Устоз қолдирган из
шогирдлар фаолиятида давом этади





Инсон умрининг ҳақиқий қиймати лавозими ёки унвони билан эмас, қолдирган эзгу изи билан ўлчанади. Баъзан бир инсоннинг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, унинг ортида бир касб эмас, бутун бир мактаб турганини ҳис қиласиз. Тошкент архитектура-қурилиш университетининг Бино ва иншоотлар қурилиши кафедраси профессори Нусратжон Норовнинг ҳаёт ва меҳнат йўли ана шундай мазмунга эга.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Унинг бугунги мақомига бир қарашда эришилмаган. Бу йўлнинг бошида Сурхондарёнинг Сариосиёсидаги зиёли оилада улғайган, математика ва физикага қизиққан, мактабни олтин медаль билан тамомлаган тиришқоқ йигит турган. Қурилишга бўлган меҳр эса дарсхонада эмас, ҳаётнинг ўзида – отаси билан бирга ўз уйларини қураётган пайтда пайдо бўлган.

Ўша кезларда у, эҳтимол, бу қизиқиш бутун умрини белгилаб беришини ўйламаган ҳамдир. Аммо бир нарса аниқ эди: у қуришни яхши кўрарди. Ва бир куни “Келажакда моҳир қурувчи бўламан”, деб ўзига ваъда берди. Йиллар ўтиб, ўша болалик орзуси касбга, касб илмга, илм эса устозликка айланди.

1988 йилда Тошкент политехника институтининг Қурилиш факультетига ўқишга кирган Нусратжон Норов 1993 йилда Тошкент архитектура-қурилиш институтини имтиёзли диплом билан тамомлади. Кейин аспирантурада таҳсил олди. Ассистент, катта ўқитувчи, декан ўринбосари, бош муҳандис, раҳбарлик лавозимлари...

Ҳаёт уни қурилишнинг турли жабҳалари билан таништирди. Аммо у қайси лавозимда ишламасин, қайси вазифани бажармасин, илмдан узоқлашмади. Чунки баъзи инсонлар учун илм – иш эмас. Уларнинг ҳаётига сингиб кетган эҳтиёж.

Binolar qurilади, илм эса авлоддан авлодга ўтади

Нусратжон Норовнинг илмий изланишларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон иқлими шароитида энергия самарадор биноларни лойиҳалаш, қуёш энергиясидан фойдаланиш, биноларнинг энергия истеъмолини камайтириш – бугун долзарб бўлган масалалар. Аммо бу йўналиш профессор учун бугун пайдо бўлган қизиқиш эмас. У бу соҳада йиллар давомида изланиб келмоқда.

Устози, техника фанлари доктори Мансур Зоҳидов билан бирга Ўзбекистонда биринчи қуёш уйи лойиҳаларидан бирини амалга оширишда иштирок этган. Тошкент вилоятининг Бурчмулла туманида қурилган икки қаватли пансионатда қуёш энергияси ёрдамида биноларни қишда иситиш имкониятлари ўрганилган. Кейинчалик Тошкент вилоятида мавжуд қишлоқ уйларини маҳаллий материаллар асосида модернизация қилиш ва қуёш энергияси билан иситиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилган.

Бундай лойиҳаларга қараб, олимнинг фаолиятидаги бир жиҳатни англаш мумкин: у учун илм қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Илмий фикр ҳаётга кириши, одамга наф келтириши, қурилаётган уйнинг иссиқлигида, бинодаги қулайликда, тежалган энергияда ўз аксини топиши керак.

Бугун профессор Ўзбекистон иқлими шароитида энергия самарадор биноларни лойиҳалаш йўналишида илмий изланишларни давом эттирмоқда. “Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси танлови доирасида турар жой, жамоат ва саноат биноларида сендвич-панел деворлардан фойдаланишга қаратилган грант лойиҳаси устида ҳам иш олиб борилмоқда.

Бироқ унинг фаолиятида биз учун яна бир муҳим жиҳат бор. Бу шарафли устозлик касбидир. Чунки Нусратжон Норовнинг ҳаётида устоз деган тушунча фақат хотира эмас. У бугун ҳам устозлари билан бир йўлда. У ўзининг биринчи устози профессор Мансур Зоҳидов билан ҳозир бир кафедрада фаолият юритмоқда. Бир вақтлар ўзлари устоздан илм олган бўлса, бугун бирга шогирдлар тарбияламоқда. Қурилиш физикаси, иссиқлик ва ёруғлик техникаси, энергиясамарадор бинолар, яшил қурилиш ва барқарор қурилиш йўналишларида ёшларга билим беришмоқда. Бу манзарада қандайдир чуқур маъно бор. Кеча устоз ва шогирд бўлган икки инсон бугун елкама-елка туриб, янги авлодга илм ўргатмоқда. Демак, ҳақиқий устознинг умри унинг ёши билан эмас, шогирдларида давом этади.

Шогирд кўпайса, устознинг умри узаяди

Устозлик ҳақида гап кетганда рақамлар ҳам ўзича бир ҳикоя айтиб беради. Профессор Н.Норов шу кунга қадар 100 нафардан ортиқ бакалавр талабани тайёрлаган. 15 нафарга яқин магистрнинг илмий даражали кадр сифатида шаклланишига ҳисса қўшган. Бугун эса икки нафар таянч докторантга илмий раҳбарлик қилмоқда. Уларнинг айримлари бугун республикадаги етакчи қурилиш ташкилотлари ва лойиҳа институтларида меҳнат қилмоқда. Эҳтимол, устоз учун бундан катта мукофот бўлмаса керак. Чунки диплом, унвон ёки тақдирлашлар инсоннинг кўкрагида қолади.

Шогирднинг ютуғи унинг номини бошқа жойларда ҳам яшатади. Шу боис Нусратжон Норов устозлари ҳақида гапирганда овози ва сўзларида алоҳида эҳтирос сезилади. У профессор Ҳусниддин Нуриддинов, “Физика-Куёш” институти олимлари ва ўзининг бошқа устозларини миннатдорлик билан эслайди. Баъзиларининг бугун орамизда йўқлиги эса хотирани янада қадрли қилади. Устоз кетади. Аммо унинг айтган сўзи, берган билими, ўргатган касби, ҳатто бир пайтлар айтган оддий маслаҳати ҳам шогирд қалбида қолади. Ва шу тариқа устозлик давом этади.

Дунё тажрибасини ўрганиб, ўз йўлимизни топамиз!

Илмнинг чегараси бўлмайди. Бугунги олим учун дунёдаги янгиликдан хабардор бўлиш, хориж тажрибасини ўрганиш ва уни миллий шароитга мослаштириш муҳим. Профессор Н. Норов ҳам илмий ва касбий фаолияти давомида хорижий тажрибаларни ўрганишга эътибор қаратган.

2020 йилда Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида қурилиш технологиялари йўналишида малака оширган. Бу сафарнинг мақсади Корея қурилиш кодларини ўрганиш, уларни Ўзбекистоннинг иқлим ва географик шароитлари билан таққослаш ҳамда миллий норматив ҳужжатларни такомиллаштириш жараёнларида фойдаланишдан иборат бўлган. Кейинчалик Шанхайдаги Тунцзи университетидаги стажировка ҳам муҳим тажриба бўлди. У ерда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқлик, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш ва тижоратлаштириш жараёнлари билан танишилди. Бу тажриба кафедрада ҳам шундай йўналишларни ривожлантиришга туртки берди.

Бугун кафедрада биноларни диагностика қилиш, улардаги нуқсонларни аниқлаш, техник хулоса бериш ва энергия аудити билан боғлиқ ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Яъни илм аста-секин лабораторияга деворларидан чиқиб, реал объектларга кириб бормоқда. Бу эса замонавий устознинг яна бир қиррасини – ўрганиш ва ўргатиш бир вақтнинг ўзида давом этишини кўрсатади.

Ёшларга қолдирилаётган энг муҳим сабоқ

Профессорнинг талабаларга айтган маслаҳатлари жуда оддийдек туюлади. Аммо ҳаётда энг керакли гаплар кўпинча шундай оддий бўлади.

У ёшларга, аввало, ўз касбини чин дилдан танлашни, мутахассислик фанларини пухта ўрганишни ва билим излашдан ҳеч қачон уялмасликни уқтиради. Чунки университетда берилган билимнинг ўзи билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Китоб ўқиш, устоздан сўраш, изланиш, хатодан хулоса чиқариш – ҳақиқий мутахассисни шакллантиради.

Шунингдек, қаҳрамонимиз яна бир жиҳат – назария амалиёт билан бирга бориши керак деган фикрни илгари суради. Шу мақсадда талабаларни реал қурилиш объектларига олиб бориш, уларга иш жараёнини кўрсатиш, амалиёт даврида мутахассислар билан ишлаш имкониятини яратиш йўлга қўйилган. Айрим талабаларнинг амалиётдан сўнг ишга жойлашгани эса бу ёндашувнинг амалий самарасини кўрсатади. Унинг бир фикри эса ёш мутахассислар учун ҳаёт дастуридек янграйди, яъни илм излашдан ҳеч қачон уялмаслик керак.

От изини той босар...

Халқимизда “От изини той босар” деган чуқур маъноли гап бор. Бу ибора шунчаки авлод давомийлигини эмас, балки фарзанднинг отадан касб, меҳнатга муносабат ва ҳаёт сабоғини мерос қилиб олишини ҳам англатади. Профессор Нусратжон Норовнинг оиласида бу ҳикмат ўзининг гўзал ифодасини топган.

Кўп йиллик меҳнат фаолиятини қурилиш ва таълим соҳасига бағишлаган устознинг изидан фарзандлари ҳам боришмоқда. Бугун унинг катта ўғли қурилиш соҳасида Тошкентдаги етакчи ташкилотлардан бирида раҳбар ўринбосари сифатида самарали меҳнат қилмоқда. Кичик ўғли эса архитектор сифатида ўз касбий фаолиятини давом эттиряпти. Демак, отанинг йиллар давомида орттирган тажрибаси ва касбга бўлган меҳри оилада фарзандларига ҳам юққан.

Бу ерда гап фақат бир касбнинг авлоддан авлодга ўтиши ҳақида эмас. Бу – меҳнатга садоқат, ўз ишига масъулият ва танланган соҳага ҳурматнинг оилавий қадриятга айлангани ҳақида.

Ота ўз умри давомида бино ва иншоотлар барпо этишга, шогирдлар тарбиялашга хизмат қилган бўлса, бугун унинг фарзандлари ҳам шу соҳада ўз ўрнини топиб, янги бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшмоқда. Аслида, инсоннинг энг катта мероси мол-мулк ёки унвон эмас. Фарзандига қолдирган яхши ном, касбга меҳр ва ҳалол меҳнат намунасидир.

Шу маънода, “От изини той босар” деган халқ ҳикмати Нусратжон Норов хонадонида оддий мақол эмас, ҳаётнинг ўзига айланган.

Бир умрлик касб

Профессор Н. Норовнинг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, унда бир-биридан узоқ кўринадиган икки тушунча – қурилиш ва устозлик аслида қанчалик яқин эканини англайсиз. Қурувчи бино қуради. Устоз эса инсонни. Қурувчи мустаҳкам пойдевор яратади. Устоз эса ёш қалбига билим ва ишонч пойдеворини қўяди. Қурилган бино йиллар давомида одамларга хизмат қилади. Устоз берган билим эса авлоддан авлодга ўтиб, янада кўп инсонларга хизмат қилади.

Нусратжон Норовнинг меҳнат фаолиятида ҳам ана шу икки жараён бирлашган: у бир томондан энергия самарадор, замонавий ва барқарор бинолар ҳақида изланса, иккинчи томондан ана шу биноларни барпо этадиган янги авлод мутахассисларини тарбияламоқда.

Унинг меҳнати турли мукофот ва эътирофлар билан ҳам тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги кўкрак нишони шулардан бири. Аммо 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар кунида бундай инсонларнинг энг катта мукофоти ҳақида сўз кетса, бу албатта, шогирдларидир. Бугун унинг 100 дан ортиқ шогирди турли қурилиш ва лойиҳа ташкилотларида меҳнат қилмоқда. Айримлари ўз навбатида бошқаларга устоз бўлиб улгурган бўлиши ҳам мумкин. Мана шу ерда устозликнинг буюк маъноси намоён бўлади. Бир инсон бир нечта шогирд тайёрлайди. Шогирдлар эса яна шогирдлар тарбиялайди. Шу тариқа бир устознинг меҳнати йиллар, балки авлодлар давомида яшайди.

Hayotimizda shunday insonlar bo‘ladiki, ular bizning qalbimizda bir umr o‘chmas iz qoldiradi. Ularni yillar o‘tsa ham unutmaymiz. Ular – bizning ustozlarimiz.

Kelajak bunyodkori



Sevinch NORBOBOYEVA,
O‘zJOKU talabasi.

Men uchun ana shunday insonlardan biri – rus tili va adabiyoti fanidan ta’lim bergan, nafaqat bilimini, balki mehrini ham ayamagan ustozim Nodira Turdiyevadir. Nodira opa Qashqadaryo viloyati Kitob tumanidagi 5-maktabda uzoq yillar faoliyat yuritgan tajribali pedagog. U kishining o‘qituvchilik faoliyati oddiy dars berish bilan cheklanib qolmaydi. Ustoz har bir shogirdining kelajagini o‘ylaydi, uning qanday inson bolib yetishishini, hayotda o‘z o‘rnini topishini chin dildan istaydi.

Men ham Nodira opadan ta’lim olganman. U kishi shogirdlaridan bilim berish bilan birga, mehrini ham ayamas edi. Ammo bergan topshiriqlarini bajarishimizni ham talab qilardi. Ustozimning talabchanligi esa doim ham yoqavermasdi. Ba’zida qattiq gapirsa yoki tanbeh bersa, xafa bo‘lib qolardim.

Ammo universitetga kirganimdan keyin boshqacha o‘ylay boshladim. O‘sha paytdagi tanbehlar, qattiqqo‘llik va talabchanlik ortida aslida katta mehr va ma’suliyat borligini tushundim. Nodira Turdiyeva nafaqat talabchan, balki juda mehribon, pozitiv va har tomonlama yetuk ustozdir. U kishi oilasi, farzandlari va kasbini birdek qadrlaydigan inson.

Bunday hayot o‘z-o‘zidan qurilmaydi. Buning ortida yillar davomida qilingan mehnat, sabr, fidoyilik va tinimsiz harakat turadi. Ustozning barcha farzandalari o‘qimishli, hayotda o‘z yo‘lini topishga ulgurgan. Bu ham menimcha, Nodira opaning farzand tarbiyasiga bo‘lgan e’tibori va ularni doim to‘g‘ri yo‘lga boshlab kelganining mevasidir. U kishi oddiygina ustoz emas, sadoqatli umr yo‘ldosh, farzandlariga ibrat bo‘ladigan mehribon ona hamdir.

Hozirga qadar hayotimda ko‘plab ustozlarni uchratim. Har birining bergan sabog‘i albatta, qadrli. Ammo inson hayotida qalbiga boshqalardan ko‘ra chuqurroq kirib, o‘zgacha iz qoldirgan inson bo‘ladi. Men uchun Nodira opa doim qadrli ustoz bo‘lib qoladi.

Bugun ustozimning har bir talabidan, har bir tanbehidan, hatto qattiq gaplaridan ham minnatdorman. Chunki ularning ortida mening kelajagim bor edi. Taqdir taqazosi bilan ustozimdek pedagog yoki filolog emas, jurnalist bo‘lishga qaror qildim. Lekin ustozimdan o‘rganganlarim bugun katta hayotda ham menga asqatmoqda.

Demak, haqiqiy ustoz – shogirdiga faqat bilim bermaydi, uning kelajagiga ham yo‘l ochadi. Menda esa o‘sha yo‘lni aynan Nodira opa ochgan va men buni hechqachon unutmayman...

Шаҳарсозлик фанига бағишланган умр

Халқимиз ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини катта эҳтиром ва миннатдорлик билан нишонлайди. Устозлик – дунёдаги энг шарафли ва масъулиятли касблардан бири бўлиб, келажак пойдеворини яратувчи зотлар айнан устозлардир.

Аброр НИЯТОВ,
СДТУ матбуот хизмати мутахассиси, магистрант.



Ана шундай шарафли номга муносиб бўлган, ҳаётини илм-фанга ва етук кадрлар тайёрлашга бағишлаган забардаст олимимиз, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети факультет декани, кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор Илҳомжон Шукуров бу йил қутлуғ 70 ёшлик таваллуд айёмини қарши олди.

Байрам арафасида ушбу жонкуяр устознинг сермаҳсул ҳаёт йўлига назар ташладик.

Илҳомжон Шукуров – шаҳарсозлик соҳасида техника фанлари бўйича республика миқёсидаги биринчи фан доктори ҳисобланади. У 1956 йилнинг январь ойида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Болалигидан китобга, илмга меҳр қўйган бўлажак олим мактабни олтин медал билан тамомлаб, В. В. Куйбышев номидаги Москва қурилиш муҳандислик институтининг “Шаҳар қурилиши” мутахассислиги бўйича таҳсил олди.

Меҳнат фаолиятини Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бошлаб, олий таълим тизимида оддий ўқитувчиликдан кафедра мудири ва факультет декани даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди.

Олимнинг илмий изланишлари ва эришган ютуқлари нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилган. У Россия архитектура ва қурилиш фанлари академияси (РААСН) маслаҳатчиси ҳамда Россия табиий фанлар академияси (РАН) академигидир. Профессор И.Шукуров узоқ йиллар давомида Москва давлат қурилиш университети, Москва автомобил-йўл университети ва Қозон давлат архитектура-қурилиш университетларида масъул лавозимларда ишлаб, ўзбек шаҳарсозлик мактаби нуфузини хорижда ҳам муносиб ҳимоя қилди. Айниқса, у киши томонидан Москва шаҳри учун яратилган “турар жойлар реновацияси назарияси” ва автомобил тураргоҳларини жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар соҳа ривожига қўшилган улкан ҳисса бўлди. Унинг бундай хизматлари инобатга олиниб, 2012 йил натижаларига кўра, Европа бўйича энг илғор 200 нафар фан арбоби қаторига киритилди.

Бугунги кунда И.Шукуров Вьетнамда амалга оширилаётган “Эко турар жойлар” лойиҳасининг асосий маслаҳатчиларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, у Ўзбекистон шаҳарсозлигига оид 15 дан ортиқ меъёрий ҳужжатларнинг илмий раҳбари ва иштирокчисидир. Олимнинг қаламига мансуб 500 дан ортиқ илмий мақола, 29 та дарслик ва ўқув қўлланмаси ҳамда 9 та монография соҳа мутахассислари учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, олим муаллифлик қилган 5 та патентдан бири – “Йўл кийимлари буюмлари” ихтироси бугунги кунда дунё бўйлаб йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва инсонлар ҳаётини сақлашда юксак самара бермоқда.

Илҳомжон Шукуров нафақат йирик олим, балки ўз туғилиб ўсган гўшаси тарихини чуқур ўрганган зиёли ҳамдир. Унинг қаламига мансуб “Хизир эли ёки ярим дунё тарихи” номли энциклопедик китоб-монографиясида Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Хоразм номларининг янгича генезиси ва таҳлили маҳорат билан ёритилган. Бундан ташқари, устоз эл-юрт ташвишларига ҳам доимо камарбаста бўлиб, маҳаллий ободончилик ишларида фаол бош-қош бўлиб келмоқда. Саудия Арабистони Қиролининг таклифига биноан, Ҳаж амалини адо этди.

Булардан ташқари, профессор И. Шукуров ибратли оила бошлиғи, меҳрибон ота ва суюкли бободир. Турмуш ўртоғи билан 2 ўғил ва 1 қизни тарбиялаб, вояга етказдилар. Қизи Лола Шукурова ота изидан бориб, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олди, ўғиллари эса тадбиркорлик соҳасида юрт хизматида. Устознинг бевосита раҳбарлигида шу кунгача 4 нафар фан доктори, 8 нафар фан номзоди (PhD) ва 400 дан ортиқ шаҳарсоз-муҳандислар, 30 дан ортиқ магистрлар етишиб чиққан бўлиб, улар бугунги кунда Ўзбекистон ва Россиянинг нуфузли олий гўшаларида фаолият юритмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, суюкли устозимизни ҳам касб байрамлари, ҳам қутлуғ 70 ёши билан чин қалбдан муборакбод этамиз. У кишига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва юртимиз илм-фани ҳамда шаҳарсозлик соҳаси равнақи йўлидаги ижодий изланишларида янгидан-янги зафарлар тилаймиз!

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МЎРАББИЙЛАР КУНИ



Самарқанд вилоятидаги **“ELITE BUILDING”** компанияси ҳамда унинг таркибидаги **“AXMADBEK QURILISH TRIO” МЧЖ** асосчилари Илҳом ва Амир РУСТАМОВлар республикамизда иқтисодчи кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган қадрли устоз, иқтисод фанлари доктори Дилшод ПЎЛАТОВни, шунингдек мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча ўқитувчи ва мураббийларни касб байрами билан чин қалбдан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилайдилар.

Зеро, қўли гул қурувчилар доимо шундай олижаноб касб соҳибларига ҳавас қилишади ва уларни ўзларига яқин тутишади. Ҳозирга қадар ўз маблағлари ҳисобидан Самарқанд шаҳридаги 5-, 51-, 52-, Булунғур туманидаги 72-, Иштихондаги 42-умумтаълим мактабларига ҳомийлик кўрсатиб, янги замонавий бинолар қуриб берганлиги билан ҳақли равишда фахрланадилар.
Жорий йилда эса аҳил жамоа ташаббусига кўра, Самарқандда яна бир йирик лойиҳа – Илҳом Рустамов номидаги халқаро мактаб қурилишига старт берилганлиги диққатга сазовор.

УСТОЗЛАРНИ ҲУРМАТ ҚИЛГАНЛАР АСЛО КАМ БЎЛМАЙДИЛАР!

Ҳалоллик вакцинаси

Одамнинг кимлиги унинг лавозими ёки эгаллаган вазифалари билан эмас, бошқаларнинг ҳаётида қолдирган изи билан билинади. Кимдир қурган биноси, кимдир яратган корхонаси, яна кимдир тарбиялаган шогирдлари билан ёдда қолади.

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



Йўлдош Раҳматов ҳақида суҳбатлашганда эса бир сўз қайта-қайта тилга келади: одамийлик.

Бу сифатни у киши ўзига нисбатан ишлатмайди. Аксинча, суҳбат давомида гапни ўзидан кўра кўпроқ одамларга, касбга, устозларга ва шогирдларга буришга ҳаракат қилади. Балки шунинг учун ҳам унинг ҳаёт йўлидаги турли даврларни бир-бирига боғлаб турган энг асосий чизиқ касбий лавозимлар эмас, инсонларга муносабатдир.

Йўлдош Раҳматов Бухоро вилоятининг узумзор боғлари билан ўралган қишлоқларидан бирида улғайган. У болалигини эслаганда, аввало, отасининг насиҳатларини ёдга олади.

– Отам бизни ҳалол ризқ билан тарбиялади. “Инсонларга ёрдам бергин, озгина бўлса ҳам уларнинг оғирини енгил қил”, деб кўп айтарди. Менимча, мендаги “ҳалоллик вакцинаси” ўша йилларда, отамнинг ҳаёт мактабида шаклланган”.

Бу иборада ҳазил аралаш соддалик бор. Аммо унинг ортида бир умрлик қараш мужассам. Инсон касбини ўзгартира олади, лавозими ўзгаради, иш жойи алмашади. Лекин болаликда шаклланган мезон ўзгармаса, турли шароитларда ҳам одамнинг йўли бир қадар равшан бўлиб қолади.

Йўлдош Раҳматовнинг касбий йўли ҳам бир чизиқ бўйлаб кечмаган. Тошкент Политехника институтида таҳсил олиб, самолётсозлик муҳандислиги бўйича мутахассисликни эгаллаган ёш мутахассис меҳнат фаолиятини Чкалов номидаги авиация корхонасида чилангар ва штамповчи сифатида бошлайди.

Муҳандислик дипломига эга бўлган инсоннинг ишни ишлаб чиқаришнинг қуйи бўғинидан бошлаши унинг кейинги фаолияти учун муҳим мактаб бўлган. Чунки чизмадаги рақам билан цехдаги темирнинг оғирлиги бир хил эмас. Қоғоздаги қарор билан уни бажарадиган одамнинг имконияти ҳамиша бир-бирига мос келавермайди. Кейинчалик унинг меҳнат йўли ташқи савдо ва саноат тизимлари билан боғланади. Турли вазифалар, турли жамоалар, турли масъулиятлар унинг тажрибасини бойитди.

Бироқ тақдир уни охир-оқибат инсоннинг кундалик ҳаётига энг яқин соҳалардан бирига олиб келди.

Айни пайтда қаҳрамонимиз Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Коммуналчи?

Бу соҳанинг ўзига хос бир жиҳати бор. У яхши ишласа, унинг меҳнати кўпинча сезилмайди. Хонадонда иссиқ сув бор, батареялар иссиқ, ертўлада қувурлар соз, ҳовлида сув оқиб турибди. Одам бунга алоҳида эътибор бермайди. Аммо тизимда бирор носозлик юз берса, унинг аҳамияти дарҳол билинади. Шунинг учун коммунал соҳада ишлайдиган мутахассиснинг куни ҳамиша режа бўйича кечавермайди.

Бир жойда қувур ёрилган, бошқа ҳудудда иссиқлик билан боғлиқ муаммо пайдо бўлган, яна бир манзилда аҳоли мурожаат қилган. Байрам ёки дам олиш куни бу соҳадаги масъулиятни бекор қилмайди. Йўлдош Раҳматовнинг иш услубида эса бир жиҳат алоҳида кўзга ташланади: у муаммони фақат техник носозлик сифатида кўрмайди.

Муаммо ортида одам борлигини унутмасликка ҳаракат қилади. Ҳудудларга чиққан пайтларида ходимларига носозликни бартараф этиш вазифасини бериб, мурожаатчи билан ўзи гаплашиб ўтирган ҳолатлар кўп бўлган. Унингча, одамнинг гапини эшитиш ҳам муаммони ҳал қилишнинг бир қисми. Чунки баъзан мурожаатнинг ўзи техник масаладан каттароқ бўлади. Унда бир неча кундан бери йиғилиб келаётган норозилик, оила ташвиши, болаларнинг шароити, кексаларнинг қийинчилиги аралашиб кетади.

Бундай вазиятда “муаммо ҳал бўлади” деган қуруқ гап одамни ҳар доим ҳам қониқтирмайди. Аввало унинг гапини эшитиш керак. Йўлдош Раҳматов шу оддий қоидани касбий одатга айлантирган. Балким унинг одамлар билан мулоқотидаги энг кучли жиҳат ҳам шундадир: у мурожаатчини фақат муаммо эгаси сифатида эмас, ўз ҳаёти, ташвишлари ва орзулари бор инсон сифатида кўради.

Соҳадаги кўп йиллик тажриба эса уни коммунал хўжаликнинг биргина бугунги муаммолари билан эмас, эртанги ҳолати ҳақида ҳам ўйлашга ундади. Шу изланишлар, таҳлиллар ва соҳада тўпланган тажриба негизида аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, эскирган уй-жой фондини босқичма-босқич янгилаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Реновация жараёнларининг мақсади ҳам фақат эски бинолар ўрнига янги уй қуриш билан чекланмайди. Гап инсоннинг яшаш муҳитини ўзгартириш, унинг кундалик ҳаёти учун муносиб шароит яратиш ҳақида боради.

Йўлдош Раҳматов учун соҳадаги натижанинг қадри ҳам шу ерда. Қурилиш ёки коммунал хўжаликдаги ҳар қандай рақам охир-оқибат одам ҳаётига бориб тақалади. Янги уйда яшайдиган оила, иссиқ хонадонда ўсадиган бола, суви узилмайдиган кўп қаватли уй, таъмирланган ҳудудда хотиржам юрадиган кекса инсон...

Муҳандиснинг ҳисоб-китоби ана шу оддий манзараларга хизмат қилганда ўз маъносини топади. Йўлдош Раҳматовнинг ҳаётида касбдан кейинги яна бир катта тушунча бор. Бу устозлик. У киши ёш мутахассисларга тажрибасини беришни ўзининг касбий бурчи деб билади.

“Менинг тажрибамдан фойдаланинг. Билмаганингизни сўрашдан ҳеч қачон уялманг”, – деган гапи шогирдларига айтган оддий насиҳатларидан бири.

Устозликнинг ҳақиқий натижаси эса шогирднинг устозга ўхшаб қолиши эмас. Унинг ўз йўлини топишидир. Йўлдош аканинг хотирасида шундай шогирдлар кўп. Йиллар аввал оилавий шароити оғирроқ, содда ва иккиланувчан бир шогирдига кичик товуқчилик хўжалиги ташкил қилишни маслаҳат берган эди. Ўша пайтда бу ғоя оддий кўринган бўлиши мумкин. Аммо баъзан инсон ҳаётидаги катта ўзгаришлар айнан шундай кичик қарорлардан бошланади.

Шогирд таваккал қилди. Изланди. Сарсон бўлди. Қайта ҳаракат қилди. Орадан йиллар ўтиб, устоз ўша шогирдининг катта фабрика раҳбарига, ўз соҳасини яхши биладиган мутахассисга айланганини кўрди. Бу ерда устознинг ютуғи корхонанинг ҳажми билан ўлчанмайди. У бир инсоннинг ўз имкониятига ишонишига сабаб бўлган.

Балким устозликнинг энг катта мукофоти ҳам шу.

Йўлдош Раҳматовнинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, унинг касбий фаолиятида бир нечта турли соҳалар, вазифалар ва даврларни кўрамиз. Авиация заводидаги меҳнат, саноат ва ташқи савдо тизимидаги тажриба, коммунал хўжаликдаги йиллар, ёш мутахассислар билан ишлаш...Аммо буларнинг барчасини бирлаштириб турган битта тушунча бор.

Одамларга керак бўлиш.

Отасининг “озгина бўлса ҳам оғирини енгил қил” деган насиҳати йиллар давомида турли кўринишларда давом этган. Бир куни у муҳандислик вазифасида намоён бўлган. Бошқа куни мурожаатчининг гапини сабр билан эшитишда. Яна бир куни шогирдига ишонч билдиришда. Шу маънода “ҳалоллик вакцинаси” фақат чиройли ибора эмас.

Инсон болаликда олган тарбиясини умри давомида бошқаларга тарқатиб бориши ҳам мумкин.

Йўлдош Раҳматовнинг устоздан олган сабоғи, ўз фарзандларига берган тарбияси, шогирдларига қолдирган тажрибаси, одамлар билан муносабати ҳам бир занжирнинг ҳалқаларидек. Инсон умрининг охирида нималар қолади?

Лавозимлар ўзгаради. Ҳужжатлар архивга кетади. Кўп рақамлар эсдан чиқади. Аммо бир инсоннинг оғирини енгил қилганингиз, кимнингдир йўлини очиб берганингиз, шогирдингиз ўз ўрнини топганида ичингизда пайдо бўлган фахр туйғуси қолади. Балким ҳаётнинг ҳақиқий ҳисоб-китоби ҳам шу ерда юритилар.

Йўлдош Раҳматовнинг отасидан олган “ҳалоллик вакцинаси” эса, кўриниб турибдики, ҳали таъсирини йўқотгани йўқ. Устозга тилак ҳам оддий бўлмаслиги керак. Сизга шогирдларингиздан минг карра кўпайиб қайтиб келадиган эзгулик, одамлар оғирини енгил қилган ҳар бир кунингиздан кўнгил хотиржамлиги, энг муҳими, отангиздан олган “ҳалоллик вакцинаси”ни яна кўп авлодларга етказиш бахтини тилаймиз. Шогирдларингиз ютуғини кўриб, доимо фахрланиб юриш насиб этсин.



Қурилишга бахшида умр

Ҳаётда ўқиш, ўзинг хоҳлаган касбни эгаллаб, оила қуриш, фарзанд кўриш, кўплаб невара, чевараларга даврасида қарилик гаштини суриб яшашдан ортиқ бахт бўлмаса керак. 78 ёшдан ошаётган Амангелди оға Айтбаев мана шундай ҳақиқий қарилик гаштини сураётган инсонлардан бири.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



Ўқувчилик пайтидан шаҳарда қурилаётган баланд иморатларни, уларда ишлаётган инсонларни, техникаларни ва барпо этилаётган катта-катта уйларни кўриб, у ерда ишлаётган қурувчиларга ҳавас қилиб улғайди. Мана шу ҳавас қатъий мақсадга айланиб, мактабни тугатгач, у Самарқанд архитектура-қурилиш институтига ўқишга кирди.

Олийгоҳда ўқиб юрган пайтлари қурилиш соҳаси, лойиҳа, чизмачилик сирлари, қурилиш юритиш учун нималарни ўрганиш, нималарга эътибор қаратиш зарурлиги борасида туганмас билимларни ўрганиш кераклигини тушунди ва шунга ҳаракат қилди. Олийгоҳни тамомлагач, 1972 йилда “Узгипосельстрой” лойиҳалаш институтининг Нукус филиалида оддий муҳандис вазифасида иш бошлади.

Ўзи севиб эгаллаган касбида ишлаш унга завқ бағишларди. Тинмай изланиш, ўзгача бир янги ғоялар ўйлаб топиш, уларни амалга ошириш унинг кундалик одатига айланди. Ўз ишига тиришқоқлиги, содиқлиги эътиборга олинмай қолмади. Ишга кирганига 3 йил тўлмай, лойиҳа бош инженери лавозимида ишлай бошлади ва ўзининг ҳақиқий қобилиятини кўрсата олди. Қурилиш соҳасидаги ҳар кунги янги лойиҳалар, буюртмачилар билан олиб бориладиган иш жараёнлари ёш инженернинг тажрибасини ошириб, чиниқтириб борди.

Кўп ўтмай бош инженерликдан институт директори лавозимига кўтарилди.

Амангелди Айтбаев ўз фаолияти давомида кўплаб чорвачилик ва паррандачилик комплекслари қурилиши, туман тиббиёт бирлашмалари, умумтаълим мактаблари, шаҳар, туман марказлари, спорт иншоатлари, истироҳат боғлари, дам олиш масканлари лойиҳаларини ишлаб чиққан ва амалиётга татбиқ этган. У яратган ҳар қандай лойиҳа ўзгачалиги билан ажралиб турганлиги боис, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш қўмитаси томонидан ташкил этилган танловларда доимо фахрий ўринларни эгаллаб келган. Хусусан, 2014-2015 йилларда Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси томонидан ўтказилган танловда “Маъмурий бинолар” номинацияси бўйича 2-ўрин соҳиби бўлди.

– Бугунги архитекторларга ҳавасим келади, – деди Амангелди оға биз билан суҳбатда. – Бизнинг давримиздагидек ватман, туш, рейсфедер, қалам олиб қўлда чизишга ҳожат йўқ. Ҳаммаси компьютерда бажариляпти. Ўзгартириш, нусха ва вариантларни тез, осон яратиш мумкин. Буларнинг бари қурилишнинг тез битишига, ривожланишнинг жадаллашига олиб келади. Шу боис ёшларга “Замон технологиялари билан тенг қадам ташланг”, дейман. Бунинг учун уларда имконият етарли. Яқин йилларда соҳага бунданда зўр технологиялар кириб келишига ишончим комил.

Умрининг 50 йилдан зиёдини юртимиз қурилиш соҳасига бағишлаган Амангелди оға Айтбаев бугун нафақада бўлишига қарамасдан, ҳамон бир хаёли қурилиш майдонларида. У жудаям бахтли инсон. 4 нафар фарзандининг 3 нафари ота йўлини танлаб, архитектор бўлиб етишишди. Яна бир ўғли эса банк ходими.

Ҳар куни кўча бўйлаб сайр қилар экан, шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган ўзи қурган замонавий уйларга назар ташлаб, қувончи янада ошади. Чунки бу иморатлар халқимизга яна қанча йиллар, балки асрлар оша хизмат қилади...







Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 29 – 30 сентябрь, 1 – 5 октябрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси **Фаррух Искандаров,** Хизмат хоналари фарроши **Наргиза Джалилова,** Call-markaz оператори **Ойбек Худойшукуров,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси **Юсуфбек Ниғматов,**

“Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish Respublika markazi” етакчи мутахассиси **Обиджон Маърифжонов,** етакчи мутахассис **Даврон Ботирбеков,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси Ишлаб чиқариш бошлиғи **Нилуфар Ҳусанова,** бош мутахассис **Рамзиддин Сагдуллаев,** бош ҳисобчи ўринбосари **Нилуфар Иргашева,** Шимолий филиали муҳандиси **Илҳом Дўсжанов,** ҳайдовчи **Темирбай Атаниязов,** Марказий филиали лойиҳа бош муҳандиси **Шоҳруҳ Тўраев,** Қашқадарё филиали бош мутахассиси **Лазиз Холмуродов,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ СВА аудитори **Ербол Таджибаев,** ОИСК етакчи мутахассиси **Суръат Рашидов,** ОИСК етакчи муҳандиси **Марат Кучкарбаев,** ФЭО иқтисодчиси **Шоира Икромова,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси сектор мудири **Аълохон Ходжаев,** Сирдарё филиали лойиҳа бош архитектори **Абдусаит Акбутаев,** Қорақалпоғистон Республикаси филиали лойиҳа бош архитектори **Рауаж Абилпайизов,** Фарғона филиали директори **Улуғбек Расулов,** Хоразм филиали директори **Фаррух Машарипов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Пудрат ишлари ва мақсадли дастурлар ижросини мониторинг қилиш шўъбаси бошлиғи **Азиз Медегенов,** етакчи мутахассис **Даниел Камилов,** бош мутахассис **Самандар Юлдашов,**

Андижон вилояти Андижон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича етакчи мутахассиси **Аборбек Мамасолиев,** Асака тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича етакчи мутахассиси **Хумор Аҳмедова,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассислари **Назира Умбарова, Отабек Олимов,** Касби тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Искандар Примқулов,**

“Иссиқликтаъминоти” АЖ Ишлаб чиқарилган иссиқлик энергияси ва кўрсатилган хизматлар ҳисоботи бошқармаси бош мутахассиси **Мурод Туляганов,** Андижон вилояти филиали ҳисобчиси **Дилмурод Собиров,** Бухоро вилояти филиали ҳайдовчиси **Суҳроб Файзиев,** Самарқанд вилояти филиали ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича мутахассиси **Шаҳноза Джафарова,** электргазпайвандчи **Мурод Мардонов,** Тошкент вилояти филиали иссиқлик билан ишлаш жиҳозлари ва агрегатларни созлаш ходими **Отабек Абдусаматов,** Бўстонлиқ тумани филиали раҳбари **Жумон Нигматуллаев,** ПОЭСИ қозонхона қоровули **Шавкат Исмаилов,** Зангиота тумани филиали 1-сонли қозонхона оператори **Анваржон Салимов,** Қибрай тумани филиали 1-сонли қозонхона қоровули **Иззат Қодиров,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ва сақлаш ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Суҳроб Умаров,** Молия-иқтисод бўлими бош ҳисобчиси **Даврон Саматов,** Ичимлик сувини реализация қилиш ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматларидан фойдаланиш назоратини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Сайфиддин Қурбонов,** Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси фарроши **Замира Абдуллаева,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Бунёд Элмурадов,** мутахассис **Шероз Асадов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги “Azatbay Sardar Kommunal Servis” МЧЖ бош директори **Азатбай Бабаниязов,** Бухоро вилояти Ромитан туманидаги “Aslon Islom Qurilish” БСК МЧЖ бош директори **Аслон Атоев,** Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги “Ҳаёт коммунал махсус” БСК МЧЖ бош директори **Гулнора Аманова,** Қашқадарё вилояти Касби туманидаги “Касби-Муғлон” БСК МЧЖ бош директори **Аҳадилло Равшанов,** Муборак туманидаги “Осиё” БСК МЧЖ бош директори **Хайрулло Аллаев,** Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги “Диёрбек қурувчи давр” БСК МЧЖ бош директори **Шокир Холмуродов,** Қизириқ туманидаги “Қизириқ Сервис” БСК МЧЖ бош директори **Феруз Рашидов,** Термиз шаҳридаги “Oltin Kamalak Termiz” БСК МЧЖ бош директори **Сайха Чоршанбиева,** Хоразм вилояти Хива туманидаги “Сафо Шериф строй ПБК” МЧЖ бош директори **Насиба Шарипова,** Тошкент вилояти Паркент туманидаги “Xisorak Mangu Quyosh” БСК МЧЖ бош директори **Махмуддин Сирожиддинов,** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Bunyodkor Obod Ta’mir” БСК МЧЖ бош директори **Ирина Ан,** “Imona Baraka Gold” БСК МЧЖ бош директори **Камила Якубова,** Учтепа туманидаги “Adeas-Group” БСК МЧЖ бош директори **Отабек Ортиқов,** Чилонзор туманидаги “Ҳамкор турон сервис” БСК МЧЖ бош директори **Наргиза Юсупова,** Юнусобод туманидаги “Метин коммунал сервис” БСК МЧЖ бош директори **Феруза Исаходжаева,** Яккасарой туманидаги “Iymona Obod Uylar” БСК МЧЖ бош директори **Инобат Юнусова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
“ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 941.
1241 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – 23.07 Топширилди – 01.50.

Газетанинг навбатдаги сони 6 октябрь куни чиқади.

LOYIHA-QIDIRUV TASHKILOTLARI DIQQATIGA!

AT Xalq banki ta’sischiligida tashkil qilingan “Perfect capital investment” MCHJ tomonidan Toshkent viloyati, Parkent tumani, “Parkentsoy” kanali bo‘yida qurilishi rejalashtirilgan 4 ta 5 qavatli turar joy binolarining loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash hamda qurilish-montaj ishlarini amalga oshirish uchun Bosh loyiha tashkiloti tanlab olish bo‘yicha

TANLOV E’LON QILINADI!

Loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash ishlarini amalga oshirishda ishtirok etish istagida bo‘lgan tashkilotlardan takliflari qabul qilinishini ma’lum qilamiz.

Eng yuqori reytingga ega va samarali iqtisodiy takliflar kiritgan tashkilotlar tanlov g‘olibi sifatida e’lon qilinadi.

Takliflar 2026-yil 5-oktabrga qadar Toshkent shahar, Chilonzor tumani, 16-mavze, 10-uy manzilida qabul qilinadi.

Qo‘shimacha ma’lumot va texnik topshiriqlarni olish uchun tel.: 90-024-00-52.
Elektron pochta: percapinvest@xb.uz

QURILISH-PUDRAT TASHKILOTLARI DIQQATIGA!

AT Xalq banki ta’sischiligida tashkil qilingan “Perfect capital investment” MCHJ tomonidan Toshkent viloyati, Parkent tumani, “Parkentsoy” kanali bo‘yida qurilishi rejalashtirilgan 4 ta 5 qavatli turar joy binolarini qurilish-montaj ishlarini amalga oshirish uchun Bosh qurilish pudrat tashkilotini tanlab olish bo‘yicha

TANLOV E’LON QILINADI!

Qurilish-montaj ishlarini amalga oshirishda ishtirok etish istagida bo‘lgan tashkilotlar takliflari qabul qilinishini ma’lum qilamiz.

Eng yuqori reytingga ega va samarali iqtisodiy takliflar kiritgan tashkilotlar tanlov g‘olibi sifatida e’lon qilinadi.

Takliflar 2026-yil 5-oktabrga qadar Toshkent shahar, Chilonzor tumani, 16-mavze, 10-uy manzilida qabul qilinadi.

Qo‘shimacha ma’lumot va texnik topshiriqlarni olish uchun tel.: 90-024-00-52.
Elektron pochta: percapinvest@xb.uz

“SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI” ДМ

ва унинг ҳудудий бошқармалари жамоалари

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН ҚАДРЛИ УСТОЗЛАР!

Бугун жамиятимизда эришилаётган барча ютуқларда
сизларнинг ҳиссангиз беқиёс.
Юрт равнақи йўлидаги юксак хизматингизни ҳамиша қадрлаймиз.

